

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

**қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши**

**“ҲУҚУҚШУНОСЛИҚДА ТИЗИМЛИ
ЁНДАШУВ”
модули бўйича**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Э.Т.Маннопова – ТДЮУ “Умумтаълим фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси

Такризчилар:

М.Якубов – ТАТУ “Ахборот технологиялари” кафедраси
профессори

А.З.Каримов – ТДЮУ “Умумтаълим фанлар” кафедраси
доценти, физика-математика фанлари
номзоди

МУНДАРИЖА:

I.	Ишчи дастур	4
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III.	Назарий материаллар.....	18
IV.	Амалий машғулот материаллари.....	31
	V. Кейслар банки.....	52
	VI. Глоссарий.....	61
	VII. Адабиётлар рўйхати.....	64

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон, 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Шу ўринда, олий таълим соҳаси педагог ходимларининг илмий-педагогик фаолиятида масала ва муаммоларни тизимли таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ҳодиса, жараён, рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда таҳлилнинг тури ва таҳлилнинг методлари вужудга келди. Негаки, ҳарқандай муаммони ечимини белгилашда, вужудга келган вазиятларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади.

Таҳлилни амалга ошириш учун таҳлил методлари танланиб, бунда қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни ўрганиш, алоҳида вазиятларни шарҳлаш, моделлаштириш, прогонз кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Таҳлил, нафақат бошқарувни амалга оширишда, балки ижтимоий ҳаётни турли даврида ҳар бир инсон томонидан амалга оширилади. Аммо, юридик фаолиятда таҳлил илмий, илмий-касбий мазмун касб этиб, юридик жараённи самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

Тизимли таҳлил, таҳлил турини нисбатан янги ва самарали усулларида ҳисобланиб, ўзининг методологиясига эгадир. Бунда, ҳар қандай масала (муаммо) яхлит тарзда (тизим шаклида) танланиб (идрок этиб), барча хоссалари билан алоқадорлик даражаси аниқланади. Бу амал жуда мураккаб, алоҳида тайёргарликка эга бўлиш билан бирга тизим назарияси, тизимларнинг структураси, тизимости алоқадорлик қонунияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади.

Тизимли таҳлил этиш учун ҳар қандай объект танланиши мумкин. Бунда ижтимоий, иқтисодий, маданий институтларни яхлит тарзда автоном танлаш мумкин. Лекин, уларни мақсади, амал қилиш қонуниятларини инобатга олиш лозим бўлади. Тизимли таҳлил асосида бир бир кўринишга эга бўлган манба тайёрланади. У маъруза, тезис, ҳисобот, тавсиянома бўлиши мумкин. Агарда, танланган мавзу кенг бўлса, бу ҳолда мақола, рисола ва монография тайёрлаш мумкин. Лекин, бошқарувда, шу жумладан юридик фаолиятда қарор қабул қилиш учун ҳам тизимли таҳлил амалий мазмун касб этади.

Тизимлар турли белгилари асосида техник, иқтисодий, маданий, казуал, мураккаб, гипермураккаб каби турларга ажратилиши мумкин. Юридик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда биринчи навбатда юридик ёки илмий муаммо тўғри танланиши лозим. Иккинчи навбатда, таҳлил методлари ўринли (мақсадли) танланиши лозим, иложи борижа ўлчов бирлигига эга бўлган методлардан фойдаланиш лозим. Сўнгра жамланган маълумотларни алоқадорлиги ва дахлдорлиги бўйича гуруҳларга ажратиб, тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилни (бунда, тизим ости ҳам намоён бўлиши мумкин) белгилаб, уни фаолиятмандлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, тингловчиларга тизимли таҳлил асослари ҳақида вазиятли машқларни бажариш, юридик вазиятларни моделлаштириш, юридик ҳолатларнинг кечишини прогнозини амалга ошириш орқали маълумот бериш нафақат

юримдик фаолиятни, балки юримдик тизимни такомиллашуви учун хизмат қилади.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Тингловчиларга тизимли таҳлилнинг амалга оширишда қўлланиладиган услублар ҳақида аниқ тасаввурларни шакллантириш, тингловчиларга тизим ва унинг турлари ва тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган методлар ҳақида аниқ маълумот бериш, тингловчиларга тизимли таҳлилни жамиятни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларида қўллаш тартиби ва олинадиган натижалардан таълим-тарбия жараёнида қўллаш йўлларини кўрсатиш, шунингдек тизимли таҳлил натижаларида илмий, юримдик ҳамда бошқарув фаолиятларида қўллашни мақбул жиҳатларини аниқ мисоллар воситасида очиб бериш, юримдик муаммони вужудга келиши, кечиши ва уни бартараф этишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти, қарор қабул қилишда манфаатларни инобатга олиниши ҳақида маълумот бериш, тизимли таҳлил моделлари билан таништириб, юримдик фаолиятда уларни қўллаш учун техникасини ўргатиш модулнинг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашув” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тизимларнинг классификациялари ҳақида билимлар;
- тизимли таҳлилни амалга ошириш босқичлари;
- юримдик таълим ва юримдик амалиётнинг тизимли тусга эга бўлган масалаларини ечишда тизимли таҳлил усуллари ҳақида **билиши** керак.

Тингловчи:

- тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш;
- ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналиши бўйича вужудга келадиган муаммоли вазиятларни аниқлай олиш;
- муаммони ечишда асосий мақсадни ажрата олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- муаммони аниқлаш пайтида тизимли таҳлил босқичларидан босқичма-босқич фойдалана олиш;

- ҳуқуқий соҳага оид масалаларни тизимли таҳлил қила олиш;
- тизимости элементларни алоқадорлик даражасини белгилаш;
- оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда талабаларда тизимли мушоҳада юритиш;
- вазиятни баҳолай билиш;
- тизимли таҳлилни амалга ошириш учун, тадқиқот стратегиясини тўғри танлаш ва методларни аниқлаш;
- тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш;
- касбий фаолиятда тизимли таҳлил этган ҳолда қарор қабул қилиш;
- таҳлил натижалари асосида манба тайёрлаш ва уни манзилга юбориш;
- олий таълим тизими учун ахборотларни таҳлилини амалга ошириб, манба тайёрлаш;
- ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида юридик жараённи таҳлил этиш;
- тизимли таҳлил натижаларига қўйиладиган талаблардан хабардор бўлиб, уни амалиётда қўллай билиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашув” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни кўрстатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шаҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий ҳужум, телеконференция, вебинар ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашув” модули ўқув режадаги барча ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида ўрганилган маълумотлар орқали таълим-тарбия жараёнининг тизимли таҳлилини тизимли ёндашув билан амалга ошириб, мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	Тингловчининг ўқув юклараси, соат	
			Аудитория ўқув юклараси	
			Назарий	Амалий
1.	Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти	2	2	
2.	Тизимли таҳлил босқичлари ва тизимлар классификацияси	2		2
3.	Ҳуқуқий соҳа тизимли таҳлилида қўлланилувчи замонавий миқдорий услублар ва воситалар	2		2
	Жами	6	2	4

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти

Модулнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил асослари: асосий тушунчалар, тизим, қисм тизим, мураккаб тизим, ижтимоий тизим, абстракт тизим, тизимли ёндашув, тизим ҳолати, тизимли муаммо, тизимли ечим, тизимли таҳлил.

Тизимли таҳлил босқичлари: турли мактаблардаги ёндашувлар ва талқинлар.

Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Тизимли таҳлил услуби ва методологияси. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тизимлар. Тизимлар классификацияси. Тизимли таҳлилнинг интегратив функцияси. Тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш. Тизимли таҳлилда қўлланилувчи илмий методлар: анализ, синтез, дедукция, индукция, декомпозиция, Дельфи методи, SWOT-таҳлил. Тизимли таҳлилда қўлланилувчи эмпирик методлар. Тизимли таҳлилда қўлланилувчи замонавий усул ва воситалар.

Юридик соҳадаги тизимлар, уларнинг тузилмаси ва таркиби. Юридик тизим ижтимоий тизимнинг тизимостиси. Юридик тизимнинг бошқа тизимлар билан, хусусан, экологик, иқтисодий ва сиёсий тизимлар билан алоқадорлиги. Тизимли ва комплекс ёндашувларнинг ўхшаш ва фарқлари. Юридик соҳада мавжуд муайян тизим масалаларига нисбатан тизимли ёндашув.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

2-мавзу. Тизимли таҳлил босқичлари ва тизимлар классификацияси

Тизимли таҳлил босқичлари: турли мактаблардаги ёндашувлар ва талқинлар. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Тизимости элементларни алоқадорлик даражасини белгилаш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тизимлар. Тизимлар классификацияси.

3-мавзу. Ҳуқуқий соҳа тизимли таҳлилида қўлланилувчи замонавий миқдорий услублар ва воситалар

Иерархиялар таҳлили услуби, Тақсимот ва тайинлаш масалалари, QM for Windows, MPriority дастурий воситалари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, масофавий амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (таклиф қилинган шартларга асосан ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш, эшитиш ва мантиқий хулоса қилиш қобилиятини шакллантиради);

- кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборотни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);

- баҳс-мунозара (аргумент ва далиллар келтириш қобилиятини шакллантиради);

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси //kun.uz. 2018.12.28.

2. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” online газетаси, 2018 йил 8 декабрь.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775-сон қарори / Lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони / Lex.uz.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон қарори / Lex.uz.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони / Lex.uz.

Махсус адабиётлар:

9. Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012.

10. Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013.

11. Sharon Hanson, Legal Method and Reasoning, Second edition, London, Sydney, 2003.

12. Лекции по методологии научного исследования в сфере права: Учебное пособие для студентов магистратуры юридического профиля. Третье, стереотипное изд. / сост. А.З.Каримов. – Т.: «ЗИЁ», 2010.

13. Ахборот тизимлари. Юриспруденцияда ахборот тизимлари. Дарслик / Каримов А.З. электрон вариант. Т.: ТДЮУ, 2016

14. Основы системного анализа: Учебное пособие / Спицнадель В. Н., – СПб.: «Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000.

15. Ҳуқуқий соҳада тизимли таҳлил. Ўқув қўлланма. / Исмоилов Б.Т., Каримов А.З., Маннопова Э.Т., Юнусова М.С., Худайназаров А.Қ. Т.: ТДЮИ, 2016.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.minjust.uz>
4. <http://www.legislature.uk>
5. <http://www.law.uk.edu>
6. <http://www.juristlib.uk>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

<i>Тушунчалар</i>	<i>Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?</i>	<i>Қўшимча маълумот</i>
эмпирик методлар (<i>empirical methods</i>)	ечимнинг мақсадга мувофиқлигини эмпирик маълумотлар ёрдамида текширади.	.
анализ (<i>analysis</i>)	мураккаб масалани яхшироқ тушуниш учун уни кичик қисимларга ажратиш	
дедукция (<i>deduction</i>)	умумий хулосадан хусусий хулосалар олиш	
индукция (<i>induction</i>)	хусусий хулосалардан умумий хулоса олиш	
Дельфи методи (<i>Delphi method</i>)	икки ёки ундан ортиқ экспертларнинг муаммони ечиш ҳақидаги фикрларининг ўратачаси	
SWOT-таҳлил (<i>SWOT-analysis</i>)	тизимни таҳлил қилиш шаклига асосан тўрт босқичда, яъни кучли (<i>strengths</i>), кучсиз (<i>weaknesses</i>) томонлари ҳамда унинг имкониятлари (<i>opportunities</i>) ва тўсиқлари (<i>threats</i>) кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш	

“ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёйиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

“ХУЛОСАЛАШ” (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар

машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.


“ИСИКАВА ДИАГРАММАСИ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Ушбу методнинг бошқа номлари ҳам мавжуд: балиқ скелети, сабаб ва натижа диаграммаси деб ҳам юритилади. Методнинг муаллифи япониялик олим К.Исикава (1952 й.) бўлиб ҳисобланади. Бу услуб асосан маҳсулот сифатини доимий такомиллаштириш ва унинг сифати устида ишлаш учун қўлланилган. Юриспруденция тизимида исикава диаграммаси муаммоларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш учун тизимли ёндашувни таъминловчи восита сифатида қўлланилиши мумкин. Усулни қўллашдан мақсад – кўрилатган муаммонинг самарали ечимини таъминлаш учун унинг ҳақиқий келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, намоён қилиш ва сабабларни аниқлаш технологияси билан таъминлашдан иборатдир.

Ушбу сабаб ва натижа диаграммаси муаммоларни ҳал қилишда муҳим ҳисобланади. Диаграмма кўриб чиқиладиган муаммонинг барча потенциал сабабларини содда ва тушунарли шаклга келтириш ҳамда улар ичида энг муҳим илдиз сабабини аниқлаб олиш учун хизмат қилади. Маълумки, ҳар қандай муаммонинг келиб чиқишида икки-учта сабаб энг асосий сабаблар бўлиб ҳисобланади. Диаграмманинг моҳияти айнан шу сабабларни аниқлаб олиш учун ташкиллаштирилиши лозим. Бунинг учун:

- кўриб чиқиладиган муаммонинг келиб чиқишига мумкин бўлган барча сабаблар йиғилади ва тизимлаштирилади;
- ушбу сабабларни моҳиятига кўра гуруҳлаштириш;
- ҳар бир гуруҳ ичида уларнинг “мартабаси”, яъни ўрнини аниқлаш;
- ҳосил бўлган тасвирни таҳлил этиш лозим.

Исикава диаграммаси (сабаб ва натижа диаграммаси, балиқ скелети)нинг кўриниши қуйидагича кўринишга эга:



Исикава диаграммасини чизишдан олдин барча иштирокчилар муаммонинг қўйилишида битта тўхтама келишлари лозим. Ҳар доим “Нима учун?” деган саволга жавоб берган ҳолда диаграмма шакллантирилади ва ҳосил бўлган тасвир асосида таҳлил қилинади ва ечим таклиқ этилади. Исикава диаграммаси ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, сабаблар ўртасида ўзаро боғлиқликларни аниқлашни таъминлайди ҳамда асосий келиб чиқиш сабабини аниқлашга хизмат қилади. Асосий камчилигидан бири – бу сабабдан натижагача бўлган жараённи тескари равишда текшириш имкониятининг йўқлиги. Аммо қарор қабул қилиш учун керакли ахборотни шакллантириш ва тақдим этиш учун етарли шакл бўлиб ҳисобланади.

“ПАРЕТТО ДИАГРАММАСИ” МЕТОДИ


Методнинг мақсади: Усулнинг муаллифи италиялик олим В. Паретто 1897 йилда илк бор таклиф этган, 1979 йилда америкалик олим М.Лоренц ушбу методни қайта кўриб чиққан. Паретто диаграммаси (айрим ҳолларда жажвали деб ҳам юритилади) деярли барча соҳаларда қўлланилиши мумкин, бу боис юриспруденция соҳасида ҳам қўллаш учун таклиф қилмоқдамиз.

Диаграмманинг асосий мақсади ечимга муҳтож бўлган энг асосий муаммони аниқлашдан иборат. Паретто жадвали муаммоларни аниқлаш ва кўрсатиш, ишни бошлаш учун асосий омилларни белгилаб олиш ва муаммони ечиш учун кучларни самарали тақсимлашга хизмат қилувчи восита бўлиб ҳисобланади. Паретто диаграммасининг иккита тури мавжуд:

фаолият натижасига кўра – фаолиятнинг исталмаган натижаларига олиб келувчи асосий муаммоларни аниқлаш учун мўлжалланган;

сабабига кўра – ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлаш учун ишлатилади. Юридик соҳада эса биз бундан персонални бошқариш, ходимлар ўртасидаги муносабатда юзага келадиган асосий муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун, жинойий ишлар бўйича қарор қабул қилишда асосий сабабларни аниқлашда фойдалансак бўлади.

Паретто диаграммасининг кўриниши қуйидагича кўринишга эга:



Паретто диаграммасини чизиш учун координаталар ўқи чизилади, x ўқиға барча аниқланган омиллар тақсимланади, охириги омил бошқа омиллар бўлиб ҳисобланади. Бошқа омилларнинг таъсири асосий омиллардан кўп бўлиши мумкин. y ўқиға 100 дан иборат бўлган ўлчов тасвирланади, яъни омилларнинг фоиздаги кўриниши.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашувнинг ўрни ва аҳамияти

Режа:

- 1.1. Тизимли таҳлил: асосий тушунчалар.
- 1.2. Тизимли таҳлилнинг ҳуқуқшуносликдаги ўрни ва аҳамияти.
- 1.3. Тизимли таҳлилнинг интегратив функцияси.

Таянч иборалар: *tizim, qism tizim, murakkab tizim, ijtimoii tizim, abstrakt tizim, tizimli ёндашув, tizim ҳолати, tizimli муаммо, tizimli ечим, tizimli таҳлил*

1.1. Тизимли таҳлил: асосий тушунчалар

Бугунги кунда жамият томонидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларнинг ҳал этилишида тизимли ёндашувга катта эътибор берилиб келмоқда. Нафақат олимлар, балки инженерлар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар ва ҳаттоки маданият арбоблари ўз соҳаларида тизимлиликни сезиб, ишларини тизимлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Масалани ҳал этишда тизимли ёндашув қанчалик юқори бўлса, амалий масалаларнинг ечими шунчалик унумли бўлади¹.

Масалан, “қуёш тизими”, “асаб тизими”, “тенгламалар тизими” ларни олсак, уларни бирлаштирадиган нарса – бу тизим ва тизимлилик.

Инсон фаолияти ўз моҳиятига кўра тизимли тусга эга ҳисобланади. Яъни, инсон – бу табиатнинг фаол бўлагининг бир қисмидир. Ўз мақсадларига эришиш учун инсон табиатдан фойдаланади, унга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади, турли сунъий ўзгартиришлар киритади ва ҳ.к. Агар инсоннинг амалий фаолиятини ҳам таҳлил этадиган бўлсак, у ҳам тизимли моҳият касб этади. Ҳар қандай инсон ўз амалий фаолиятида қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт ҳисобланади:

- 1) тизимлилик;
- 2) тизим қисмларининг ўзаро боғлиқлиги;
- 3) тизимнинг ҳар бир элементининг ягона бир мақсадга интилиши.

Амалиётда тизимли тасаввурларнинг аҳамияти ортиб бормоқда, ўз навбатида эса инсоният фаолиятининг тизимлилиги ҳам шу билан бирга ўсиб ва мураккаблашиб бормоқда. **Тизимли тасаввурларнинг мураккаблашишини**

¹ Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012, – 501 p

биз меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи мисолида кўриб чиқишимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Меҳнат унумдорлигини ошириш босқичлари

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг биринчи босқичи – бу механизациялаштириш. Механизация – ишлаб чиқаришда бирор асбоб-ускуна, машиналардан фойдаланиш. Бу иш унумдорлигининг 5-7 баробар ортишига олиб келади. Бунда механизмни инсон бошқаради. Мисол учунтикувчиликда қўл машиналарнинг ихтиро қилиниши меҳнат унумдорлигининг ортишига олиб келди.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг иккинчи босқичи автоматлаштириш билан бўғлиқ ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – бу ишлаб чиқариш босқичинг аниқ бир жараёнидан инсон омилини, яъни иштирокини умуман олиб ташлаш, яъни нафақат шу жараённинг ўзини автоматлаштириш, балки уни бошқаришни ҳам автоматлаштирилган ҳолда ташкил этишдан иборат. Юқоридаги мисолни кўришни давом эттирадиган бўлсак, тикувчиликда автоматлаштирилган сеҳларнинг яратилиши бутун тикувчилик жараёнини автоматлаштирилган ҳолда бошқариш имкониятини яратиб беради.

Тизимлиликнинг учинчи босқичи кибернетика билан боғлиқ, яъни ишлаб чиқариш жараёнини интеллектуаллаштириш¹ босқичи, бунда интеллект, яъни билимлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу босқич мураккаб, қайта-қайта такрорланадиган масалалар, автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида ечиш мумкин бўлмаган масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Бунда инсоннинг табиий интеллектдан фойдаланилади, ёки сунъий интеллектлар яратилган ҳолда масалани ечишга ҳаракат қилинади. Мисолимизда

• ¹ Dieter M. Imboden, Stefan Pfenninger «Introduction to Systems Analysis», ISBN: 978-3-642-30638-9, p.17.

автоматлаштирилган тизимнинг яратилиши меҳнат унумдорлигини камида 10-15 баробарга оширса, унда инсон интеллектдан (билимидан) фордаланиш унумдорликни яна бир қанча поғонага ошириб беради. Яъни тикувчиликда бирор бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда материалларни бичишда қисмларнинг жойлашуви қанчалик оптимал ташкил этилиши материалларнинг исрофи ва кўп қийқаланишининг олдини олади ва сарф харажатни камайтиради, шу орқали ҳам меҳнат унумдорлигининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Тизим тушунчасига жуда кўплаб таърифлар бериб ўтилган. Шулардан асосийларини келтириб ўтамиз.

1. **Тизим** – бу элементлардан ташкил топган объект ёки объектлар йиғиндиси. Бу таъриф ҳам оддий, ҳам мураккаб тизимларга тааллуқли ҳисобланади. Мисол: оила.
2. **Тизим** – бу ўзаро боғлиқ ва тартиблаштирилган элементлардан ташкил топган, ягона мақсад сари интилувчи объект ёки объектлар йиғиндиси¹ [2].
3. **Тизим** – фундаментал тушунча. *Ҳар бири алоҳида вазифаларни бажарувчи, ягона мақсадга йўналтирилган, ўзаро боғланган, бошқарилувчи элементларнинг муайян тузулмага эга бўлган мажмуасига **тизим** дейилади.* [5]

Бу таъриф фақат мураккат тизимларга хос таърифдир. Бизга айнан мана шу таъриф кўпроқ мос келади, ва жамиятда ўрганишни талаб қиладиган объектлар айнан мураккаб тизимлардир. Мисол, институт – бу мураккаб тизимдир, чунки у ўзаро боғлиқ ва ўзаро тузилмалаштирилган элементлардан ташкил топади: ректор, проректор, кафедралар, талабалар ва ҳ.к. Бу элементлар ўзаро иерархик тартибда бирлашган ва ягона мақсад сари интилади.

Тизим қуйидаги **хусусиятларга** эга бўлади:

<ul style="list-style-type: none">- яхлитлилик (элементларга бўлиниши ва яхлит бир бутунликни ифода этиши);- боғлиқлилик;- мақсадга йўналтирилганлик;- тартиблаштирилганлик;- натижавийлик (самарадорлик, фойдалилик нуктаи назардан ҳам қараш назарда тутилади).

Яхлитлилик деганда тизимга бир бутун жараён, ходиса ёки нарса деб қаралгандаги хусусиятлари унинг элементларга бўлинганда ўз моҳиятини йўқотиши назарда тутилади. Мисол, институт деганда биз малакали мутахассисларни тайёрловчи тизимни тушунамиз, лекин уни элементларга бўлганимизда, яъни, ректор, кафедра ва ҳ.к. ана шу тизимнинг яхлит хусусияти йўқолади.

¹ Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012, – 594 p.

Боғлиқлилик деганда тизимни ташкил этган элементларнинг ўзаро боғлиқлилик даражаси ва тизимга таъсир этувчи кучи бу тизимга кирмаган элементлардан кўра кучлироқ бўлган хусусият назарда тутилади. Мисол, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда бошқарув аппарати ҳисобланади ва тизимга боғлиқлик томони бор, лекин институт ичидаги жараёнларга таъсири унинг ичидаги қисмларида кучлироқ ҳисобланади¹.

Мақсадга йўналтирилганлик – бу тизим ва унинг қуйи тизимларининг ягона мақсадга йўналтирилганлиги назарда тутилади. Яъни мисолимизда институт ва уни ташкил этувчи элементлар ягона мақсадга интилади - юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.


Тузилмавийлик деганда тизимни ташкил этувчи элементлар ўзаро бирор қонун қоидага мувофиқ равишда ташкил этилганлиги тушинилади. Яъни улар ўзаро иерархик, функционал муносабатлар билан боғланган ҳолда фаолият юритади².

Натижавийлик (самарадорлик, фойдалилик) хусусияти тизимнинг мавжид бўлиш шартларидан биридир. Агар тизим натижа бермаса, тизим бутунлай йўқ бўлиб кетади ёки бундай тизимнинг мавжидлиги фақатгина ортиқча сарф-харажатга олиб келади, бефойда хатти-ҳаракатлар бўлиб қолади, холос.

Тизимнинг бир нечта турлари мавжуд (2-расм):

¹ Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013. – 122 p.

² Gary B. Shelly, Harry J. Rosenblatt. Systems analysis and design. – Ninth ed., Printed in the United States of America, 2012, - 158 p.



2-расм. Тизимнинг турлари.

Демак, бизнинг олдимизга қўйилган масала ва вазифаларни ҳал этишда биз мана шу билимларга таяънишимиз лозим, мураккаб масалаларни ҳал қилишда тизимли таҳлил қила олишимиз катта аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Мазкур ўқув қўлланманинг асосий мақсадларидан бири ҳам ҳар бир шахс олдига қўйилган масалага тизим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тизимли таҳлил қила олишни ўргатишдан иборатдир¹.

Тизимли таҳлил – бу бир қанча фанлар (математика, мантиқ, фалсафа, психология, иқтисод ва ҳ.к.) кесишмасида ҳосил бўлган илм соҳаси ҳисобланади ва ўрганилаётган объектнинг тизимли масалаларини аниқлаш, уларни тасаввур этишда моделлаштиришдан фойдаланиш, шулар асосида турли алтернатив йўллар (қарорлар)ни шакллантириш ҳамда улар асосида оптимал вариантни танлашга ёрдам берувчи билимларни ўз ичига жамловчи соҳа ҳисобланади.

Тизимли таҳлил асосларининг пайдо бўлиши қадимга бориб тақалади, лекин бошқа фан йўналишлари, масалан кибернетикага қараганда янги йўналиш ҳисобланади. Тизимли таҳлил бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган фан бўлишига қарамасдан тизимли таҳлилга оид тушунчалар ҳали тўлиқ шакланмаган. Тизимли таҳлил бугунги кунга келиб деярли барча соҳа йўналишларида кенг қўлланилишни талаб қилмоқда.

¹ Alireza (Arash) Salehi Nejad. Fundamentals of System Analysis & Design, Academic publishing, 2014, 32 p.

“Тизим” сўзи тахминан 2000 йил олдин қадимги Мисрда пайдо бўлган бўлиб, организм, бутун, уюшма, қисмлардан ташкил топган деган маъноларни англатади. Қадимги олимлар (Аристотел, Демокрит, Платон ва бошқалар) мураккаб нарсалар, жараёнлар, ҳодисаларни турли тизимлардан ташкил этилган деб қарашган (мисол учун атом, метафорлардан). Астрономиянинг ривожланиши эса ўз навбатида борлиққа бошқача ёндашув билан қарашни пайдо қилган. Кейинчалик тизимли таҳлил ривожланишига фалсафанинг ривожланиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада эса тизимли таҳлил методологик илм даражасига кўтарилди. Ҳозирда эса тизимлар назарияси, тизимли таҳлилнинг шаклланишига нафақат классик илм йўналишлари (математика, физика, кимё ва ҳ.к.) ўз таъсирини ўтказган, балки ноанъанавий йўналишлар ҳам (синергетика, информатика, когнитология ва ҳ.к.) лар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Тизимли таҳлил ривожланишига техниканинг ривожланиш даражасининг таъсирини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Тизимли таҳлил янги техникаларнинг яратилишига олиб келса, ўз навбатида янги техника ва технологиялар тизимли таҳлилни янги услуб, модел, муҳит билан бойитиб келмоқда.

Умуман олганда тизимли таҳлил ресурслар билан чамбарчас боғлиқдир, чунки ҳар қандай масала ечими ресурсларни талаб қилади.

Табиат ва жамиатда ресурсларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд¹:

1. Модда – Менделеев даврий жадвалида келтирилган элементлар табиатдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни ташкил этувчи асосий моддалар ҳисобланади.
2. Қувват – ресурсларнинг тўла ўрганилмаган тури бўлиб ҳисобланади. Бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишда сарфланади ва қайтарилмайди.
3. Ахборот – ресурсларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Маълум нарса, ҳодиса, жараёнларни ифодаловчи маълумот.
4. Инсон – жамиатнинг иқтисодий, ижтимоий маъносини ифодаловчи асосий ресурсларидан бири бўлиб ҳисобланади, илм, интеллект ташувчи асосий жонзотдир.
5. Макон – атроф-муҳитнинг тарқалганлик даражасини ифодаловчи ресурс ҳисобланади.
6. Вақт – қайтариб бўлмайдиган ресурс ҳисобланиб, вақт ўтиши билан ҳолат ўзгаради, ҳақиқат ўзгаради².

Мана шу ресурслардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, инсон турли “майдон”ларга жойлаштирилади, масалан энергетик, информатсион, ижтимоий, моддий, вақтинчалик ва ҳ.к. Масалан, эрталаб туриб университетга ўқишга

¹ <http://studopedia.ru>


² http://studopedia.ru/16_43596_tema--primeneniye-sistemnogo-analiza-dlya-sovershenstvovaniya-organizatsionno-ekonomicheskikh-otnosheniy-v-neftegazohimicheskom-komplekse.html

келиш масаласини кўриб чиқайлик. Бу масала юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг барчасини қамраб олади десак муболаға бўлмайди: 1) моддий, физик жиҳат – талаба маълум бир юкни, китоб, дафтар ва ҳ.к.ни маълум масофага кўчириб ўтиши лозим; 2) энергетик жиҳат – киши маълум бир масофага юриш учун маълум миқдорда энергия сарф қилади; 3) информацион жиҳат – университетга етиб бориш учун автобус, маршрут, университетнинг жойлашуви ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим; 4) инсоний жиҳат – масалан, автобусда бориш учун автобусни ҳайдовчи бошқариши керак; 5) ташкилий жиҳат – университетга етиб бориш учун автобус, транспорт, маршрутларнинг ташкиллаштирилганлиги; 6) макон, жой – маълум бир масофага кўчиб ўтиши; 7) вақт жиҳати – университетга бориш учун маълум вақт сарфланади, мана шу ўтган вақт мобайнида қайтариб бўлмайдиган ҳодиса ва жараёнлар содир бўлади.

Бир ресурсни муҳимлик даражасини кўтариш бошқа ресурсларнинг ҳам муҳимлигини оширади.

Масалан, кўмирнинг ёқилиши натижасида иссиқлик энергияси ишлаб чиқилади, иссиқлик энергияси эса овқат тайёрлаш учун муҳим, овқат эса инсон томонидан биологик энергия ишлаб чиқариш учун муҳим ҳисобланади, биологик энергия эса маълум маълумот, информация олиш, масала ечиш учун зарур ҳисобланади. Масала ҳақида маълумот таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун зарур бўлади. Умуман олганда, инсон шундай жараёнларнинг содир бўлишида асосий сабабчиси ҳисобланади.

Тизимли таҳлил талаб этаётган объект, объектлар йиғиндиси ёки жараённи мураккаб тизим сифатида тасаввур этиш учун лозим бўлган кириш ва чиқиш оқим (ахборот)лари ҳамда унинг элементлари йиғиндиси **ўрганилаётган объект** ҳисобланади. Бунда объектнинг модели яратилади. Реал объект ва тасаввур этган модел ўртасида ҳосил бўлаётган тафовут, яъни фарқ мана шу ўрганилаётган тизимнинг **тизимли муаммоси** ҳисобланади. Мана шу фарқни ёқотишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси эса **тизимнинг ечими** ҳисобланади. Мана шу тизимни керак қилаётган ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар **тизимнинг истеъмолчилари** деб юритилади. Яъни тизим ўз истеъмолчилари талабларини қондиришга ҳаракат қилиши лозим, акс ҳолда тизим мавжуд бўла олмайди ва инқирозга учраши табиийдир. Мана шу тизимни яратувчилар ва унда фаолият олиб бораётган шахслар **тизим яратувчилари** ҳисобланади. Тизимни математик формулалар, мақсадли функциялар, тенгламалар тизими, мантиқий бирикмалар ва бошқа кўринишларда ифодаланиши **тизимнинг модели** деб юритилади. Тизимни ташкил этувчи қисмларни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. Тизимни ташкил этувчи қисмлар ва унга таъсир этувчи айрим омиллар.

Кириш оқими – бу тимизни ресурслар билан таъминлаш канали (инсон, маълумот, моддий ресурслар). Масалан, прокурор томонидан жиноят ишининг судга берилиши.

Чиқиш оқими – бу натижа берадиган канал (хизмат, қарор, хулоса; масалан, суд тизимида судья прокурор томонидан берилган жиноят ишининг адвокатларини тинглаб қарор қабул қилди).

Жараён – бу кириш оқимини чиқиш оқимига айлантириш (масалан, ишнинг судга келиб тушиши ва қарор қабул қилингунча бўлган иш жараёни).

Чекловлар – бу шундай (иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳ.к.) шартларки, уларни ташқи муҳит, яъни тизим хизматининг истеъмолчилари аниқлайдилар.

Тескари алоқа – бу чиқиш оқимининг, яъни натижанинг сифат нуқтаи назарда маъқул бўлмаган шароитида кириш оқимига қайтарилиши¹.

1.2. Тизимли таҳлилнинг ҳуқуқшуносликдаги ўрни ва аҳамияти

Маълумки, ҳуқуқшунос ўз фаолияти давомида турли хил соҳага оид масалалар билан дуч келишига тўғри келади. Албатта, ушбу масалаларнинг ечимига ҳуқуқшунос ҳуқуқий томондан ёндашиши зарур бўлсада, бу билан у чекланиб қолмаслиги даркордир. Чунки ҳуқуқшунос (юрис) замон талабидан келиб чиқадиган бўлсак, нафақат қонун доирасида фаолият олиб борувчи шахс,

¹ Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. –5 th ed., Printed in the United States of America, 2012, 257 p.

балки раҳбарият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда иш олиб борувчи, раҳбариятнинг бир бўлаги, таркиби бўлганлиги боис, у раҳбарият томонидан қабул қилинаётган ҳар қандай қарорлар учун катта масъулият хис этиши лозим. Шундай экан, ҳуқуқшунос қайси соҳа йўналишида ишлашидан қитъий назар, бизнес, давлат, фуқаролик, халқаро ёки жиноий фаолиятда бўладими, у раҳбарият томонидан қабул қилинаётган қарорнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

“Ҳуқуқшуносликда тизимли ёндашув” модулининг киритилишидан асосий мақсад, ушбу йўналишда фаолият олиб борувчи шахслар, яъни ҳуқуқшунослар, ташкилот, корхона ёки давлат олдида турган масалаларни ҳал қилишда тизимли ёндашиш, тизимли таҳлил усуллари қўллашга ўргатишдан иборат.

Ҳар қандай масаланинг қўйилиши муаммони аниқлашдан бошланади. Бунда асл муаммони аниқлаш жуда катта эҳтиёткорлик, аниқлик, кучли мантиқий фикрлаш ва ноанъанавий таълил қилиш қобилиятини талаб қилади.

Ушбу модулни мақсади таълим олувчиларнинг нафақат назарий билимларга эга бўлишини таъминлаш, балки тизимли таҳлил модулидан олган билимларини амалий қўллаш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда жамият томонидан сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал этилишида тизимли ёндашувга катта эътибор берилмоқда. Барча соҳа мутахассислари, шу жумладан, ҳуқуқшунослар ҳам ўз соҳаларида тизимлиликни сезиб, ўз фаолиятини тизимлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Инсон фаолияти ўз моҳиятига кўра тизимли тусга эга ҳисобланади. Яъни, инсон – табиатнинг фаол бўлагининг бир қисмидир, ўз мақсадларига эришиш учун инсон табиатдан фойдаланади, унга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади, турли сунъий ўзгартиришлар киритади ва ҳ.к. Маълумки, дунёда содир этилган кўпгина янгиликлар, фан-техниканинг жадал ривожланиши 20-асрга тўғри келади, яъни аниқроғи 90%. Фан-техника тараққиёти жадал ривожланиб борар экан, инсоният фаолиятининг тизимлилиги ҳам ўсиб ва мураккаблашиб боради.

Шу ўринда тизимли таҳлил тушунчаси билан танишиб чиқишимиз ўринли бўлади. Тизим тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилган, аммо биз биттасини оламиз.

Тизим – бу ўзаро боғлиқ ва тартиблаштирилган элементлардан ташкил топган, ягона мақсад сари интилувчи объект ёки объектлар йиғиндиси. Жамиятимизда ўрганишни талаб қиладиган объектлар мураккаб тизимлардир.

Тизимнинг асосий элементлари ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик.

Тизимли таҳлил – бу бир қанча фанлар (математика, мантиқ, фалсафа, психология, иқтисод ва б.) кесишмасида пайдо бўлган илм соҳаси ҳисобланади ва ўрганилаётган объектнинг тизимли масалаларини аниқлаш, уларни тасаввур этишда моделлаштиришдан фойдаланиш, улар асосида турли альтернатив

йўллар (қарорлар)ни шакллантириш ҳамда улар асосида оптимал вариантни танлашга ёрдам берувчи билимларни ўз ичига жамловчи соҳа ҳисобланади. Ҳар қандай илм сингари, тизимли таҳлил ҳам ўз тадқиқотлари маҳсули сифатида янги муносабат ва боғлиқликларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди. лекин бошқа илмларга кўра, тизимли таҳлилнинг асосий мақсадларидан бири бу ҳар қандай боғлиқлик ва муносабатни шундай таҳлил этишдан иборатки, унда ўрганилаётган объект келажакда мумкин қадар бошқариладиган, ўрганиладиган бўлсин. уларни ўрганиш натижасида тадқиқ қилинган механизм эса ўз навбатида бошқа объект ва ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин бўлиши керак.

«Инсоннинг қўлига балиқни тутқазсанг – у бир кун қорни тўқ юради, мабодо инсонни балиқ тутишга ўргатсанг – у бутун умри давомида очлик нималигини билмайди» - хитойлик донишмандларда шундай ҳикматли гап бор. Аудитория шароитларидаёқ бошқарувчилик ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмалар эгалланилмаса, кейинчалик яхши бошқарувчи бўлиб чиқиши учун кўпроқ вақт ва муддат керак бўлади, бизда эса айнан ана шу нарса “дефицит” ҳисобланади. Келгусидаги касбий фаолият учун ўзининг бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш учун тингловчилар давлат, ташкилот, корхонада ва умуман иқтисодиётда вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши, бошқарувчига хос хусусиятларни орттиришлари зарур¹.

Умуман олганда, тизимли таҳлил ресурслар билан чамбарчас боҳлиқдир, чунки ҳар қандай масала ечими ресурсларни талаб қилади. Табиат ва жамият ресурсларининг асосий турларини санаб ўтамиз (аввалги бўлимда ҳам айтиб ўтилган), улар:

- **модда** – Менделеев даврий жадвалида келтирилган табиатдаги мавжуд элементлар;
- **қувват** – бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш учун сарфланадиган энергия;
- **информация** – маълум нарса, ҳодиса, жараёнларни ифодаловчи маълумот;
- **инсон** – жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий маъносини ифодаловчи асосий ресурслардан бири бўлиб ҳисобланади, илм, интеллект ташувчи асосий жонзотдир;
- **ташкilot** – жамият, гуруҳдаги шакл ҳисобланади, масалан тизим инфор­мацион, экологик, ижтимоий, биологик, вақтинчалик, абстракт ва б. шаклларга эга бўлиши мумкин ва ўзаро муносабатни ифода­лайди;

¹ Gary B. Shelly, Harry J. Rosenblatt. Systems analysis and design. – Ninth ed., Printed in the United States of America, 2012, - 112 p.

- **мақон** – атроф-муҳитнинг тарқалганлик даражасини ифодаловчи ресурс ва

- **вақт** – қайтариб бўлмайдиган ресурс ҳисобланади.

Барча ресурслар чамбарчас боғлиқ бўлиб ҳисобланади, битта масаланинг ҳал этилишига бир қанча ресурслар таъсир кўрсатиши мумкин. Тизимли таҳлил эса ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият олиб боровчи шахсларга масаланинг ҳал қилинишида инсон томонидан яратилган сунъий қонунларни эмас, балки табиат ва борлиқ томонидан белгилаб берилган ресурсларга таянган ҳолда тизимли таҳлил услуб (метод)ларини қўллаган ҳолда фикр-мулоҳаза юритиш, мантиқий фикрлаш ва қарор қабул қилишни ўргатишдан иборатдир.

1.3. Тизимли таҳлилнинг интегратив функцияси

Ўзида илмий билишнинг методологик инструментларини жамлаган тизимли таҳлил методи фаннинг барча йўналишларига хос бўлиб, бир йўналишда эришган ютуқларини бошқа йўналиш масалаларига тадбиқ эта олиши билан ажралиб туради. Бу ерда тизимли таҳлилнинг интегратив функцияси намоён бўлади. Аниқ фанларда шаклланган методлар ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларда кечаётган ҳодисаларни тизимли тарзда ўрганишда самарали қўлланилади, худди шунингдек, айтайлик, когнитив ва ижтимоий психология эришган ютуқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ёки интеллектуал ўсиш ва моддий фаровонлик даражаларини аниқлаш каби масалаларни тизимли таҳлилида қўл келади. Тизимли таҳлил суст формаллашган ёки формаллаштириш деярли мумкин бўлмаган мураккаб масалаларни ечишда турли туман усуллар ва ёндашувлардан фойдаланади. Бундай масалалар бир бирига турдош бўлмаган соҳаларга хос бўлиши мумкин, шунга қарамай, уларнинг ечимига тизимли таҳлилнинг жалб этилиши ҳамда тизимли таҳлил турли метод ва усуллардан фойдаланиши факти туфайли бир бирига турдош бўлмаган соҳалар орасида интегративлик юзага келади.

Ҳаракат, ўзгариш, фаолият ва бошқалар, яъни хулқнинг мавжудлиги тизимнинг асосий хусусиятларидан бўлиб ҳисобланади. Тизимнинг хулқи унинг ташқи муҳитига боғлиқ деб ҳисобланади, яъни унинг муайян муносабатда бўладиган бошқа тизимлар билан ўзаро алоқасига боғлиқ бўлади. Тизимнинг хулқи деганда тизимнинг вақт ўтиши билан мақсадли ўзгаришларни ифода этувчи жараённи тушунамиз. Тизимнинг хулқи ўзининг мақсадларининг қўйилишига боғлиқ равишда намоён бўлади.

Ҳар бир тизимнинг хулқи уни ташкил этувчи қуйи тизимлар структураси, улардаги мавжуд бўлган ўзаро мувозанат белгиларининг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Мувозанат хусусиятига кўра, тизим ўзига афзал бўлган ҳолат (ҳолатлар)га эга бўлади. Шунинг учун тизим ташқи муҳит таъсири остида ўз

мувозанат ҳолатидан чиқиб кетиши ҳолатида кўриб чиқилади ва асл ҳолатини қайта тиклашга ҳаракат қилинади.

Тизимнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири бу ривожланиш бўлиб ҳисобланади. Ривожланишни тизим хулқининг асосий қисми сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тизимли таҳлилда қўйиладиган асосий камчиликлардан бири – бу тизимни ривожланишдан ажратилган ҳолда кўриб чиқиш ҳисобланади. Ривожланиш қонун-қоидаларини билмаслик – зулматда юриш билан тенгдир. Шу ерда Сенеканинг сўзларини келтириб ўтишни жоиз деб билдим: “Ким аниқ қайси жойга сузишни билмаса, унинг учун йўловчи шамол йўқ” (*Кто не знает, в какую гавань он плывет, для того нет попутного ветра*).

Тизимнинг хулқи унинг ташқи таъсирларга бўлган муносабати билан белгиланади. Тизимнинг фундаментал хусусиятларидан бири бу барқарорлик хусусияти, яъни тизимнинг ташқи таъсирларга қарши кураша олиш хусусияти бўлиб ҳисобланади. Бу хусусият тизимнинг мавжуд бўлиш “умри”га таъсир кўрсатади.

Содда тизимлар барқарорликнинг пассив шаклларига эга ҳисобланади: мустаҳкамлик, мувозанатлилик, созланилиши, ўзаро боғлиқлилик. Мураккаб тизимларга эса барқарорликнинг фаол шакллари хос ҳисобланади: ишончлилик, ҳаётга интилувчанлик ва мослашувчанлик.

Ишончлилик – бу тизимнинг айрим элементларининг ишдан чиқиши ёки яроқсиз ҳолатига келишидан қатъи назар уларни бошқалар билан алмаштириш ва нусхасини яратиш орқали тизим тузулишини сақлаб қолиш хусусияти бўлиб ҳисобланади, ҳаётга интилувчанлик эса зарарли фазилатларни бартараф этиб бориш хусусиятидир. Мослашувчанлик эса – бу ташқи муҳит ўзгарувчанлиги шароитида тизимни сақлаб қолиш, такомиллаштириш ёки янги хусусиятларни ўзлаштириш мақсадида тизимнинг хулқи ёки тузулмасини ўзгартириш хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Тизимларга оид асосий ташунчалар қайсилар ва уларнинг тавсифлари қандай? Мисоллар билан баён этинг.

2. Муаммоли вазиятлар ёки бирор тизимга хос муаммонинг тизимли таҳлили қандай босқичларни ўз ичига олади?

3. Юридик соҳадаги тизимларнинг ва масалаларнинг тизимли таҳлилида Сизнингча нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим?

4. Тизимли таҳлилнинг юридик таълимдаги ўрни ва аҳамияти хусусида ўз фикрларингизни баён этинг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ


1-амалий машғулот. Тизимли таҳлил босқичлари ва тизимлар классификацияси

Тизимли таҳлил босқичлари

Бирор муаммони вазият, жараён ёки тизим ҳолатининг тизимли таҳлилини амалга оширишда муайян босқичлар шаклланган бўлиб, улар умумий тарзда қуйидаги 4-расмда тасвирланган. Расмда кўриб турганингиз каби, энг аввало тизимли таҳлилни амалга оширишнинг принципиал кетма-кетлигини ўрнатиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир муаллиф ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўз таснифланишларини тақдим этишга ҳаракат қилади. Аммо ҳар бир муаллиф ёндашувида бир хил принципга мавжудлигини кўриш мумкин.

Энг яхши қарорлар – қарор қабул қилиш жараёнининг қанчалик аниқ ва мукамал бўлишига боғлиқ бўлади. Қарор қабул қилиш жараёнининг аниқлиги қанчалик кўп саволларга жавоб олинишига боғлиқ бўлади.

Масалан, “Guidebook to Decision-Making Methods” китобида муаллиф қарор қабул қилиш жараёни 8 та босқичдан иборат деб кўриб чиққан¹:



4-расм. Тизимли таҳлил босқичлари.

1-босқич. Қарор қабул қилишда муҳим бўлган энг биринчи кадам – бу масалани аниқлашдан иборат. Бу жараёнда масала қўйилишидаги асосий жиҳатлар: муаммонинг сабаблари, чекловлар, тизимли ва ташкилий чегаралар

¹ Guidebook to Decision-Making Methods, p. 5, 2002.

ва манфаатдор шахсларнинг саволлари аниқлаб олинishi керак¹. Мақсад – масалани барчага тушунарли бўлган қисқа шаклда ифодалаш ва шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқшунос учун масаланинг барча жиҳатларига аниқлик киритган ҳолда, расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳолда иштирок этаётган тараф учун барча саволлар аниқлаб берилади ва кўрсатилиб ўтилади.


Масаланинг аниқ қўйилишининг асоси бўлиб манфаатдор шахслар томонидан қўйилган масалани барча тарафлар учун қониқарли ҳал этиш мақсадида кўпроқ саволларга жавоб олинishi ташкил этиди. Бунда жорий ҳолатни аниқлаш ва кутилаётган ҳолат ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот тўплаш лозим бўлади.

Масалани аниқлаш: мумкин қадар кўплаб саволларга жавоб олинishi жараёни²



5- расм. Масалани аниқлаш жараёни.

2-босқич. Талаб ва мақсадларни аниқлаш босқичида белгиланган шарт ва шароитлар аниқлаб олинади. Талаблар муаммонинг ҳар қандай мақбул бўлган шартларини ҳал қилиши керак.




3-босқич. Мақсадларни аниқлаш босқичида қандай ишларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан уларга таянган ҳолда альтернативалар танланади. Айрим ҳолларда мақсадлар бири-бирига зид келиб қолиши мумкин. Асосий мақсадни белгилашда шундай

¹ Guidebook to Decision-Making Methods, p. 8, 2002.


² Guidebook to Decision-Making Methods, p. 3, 2002

оралиқ мақсадларнинг ўзаро зиддиятини инкор этиб бўлмайди. Уларни инобатга олган ҳолда янги пайдо бўлган шарт-шароитлар кўриб чиқилади ва ўрганилади.

4-босқич. Альтернативаларни ишлаб чиқиш босқичида бошланғич ҳолатидаги шарт-шароитларда шаклланган фикрлар керакли ҳолатдаги шарт-шароитларга мослаштирилган ҳолга келтирилишга ҳаракат қилинади. Қарор қабул қилишда иштирок этувчилар талаблар ва чекловларга жавоб берадиган альтернативаларни қолдиришлари лозим. Чунки альтернатив вариантлар жуда кўп бўлиши мумкин, фақат талаб ва чекловларга мос келадигани бир нечта бўлади, холос.



5-босқич. Умуман оладиган бўлсак, ҳеч қандай альтернатив вариант тўлалигича барча мақсад ва талабларни қондирмайди. Энг яхши вариант – бу мақсадга эришишимиз учун энг яқин бўлган бири ҳисобланади. Шунинг учун критерияларни аниқлашда мақсадга таянишимиз муҳим аҳамият касб этади.



Ҳар бир критерия бирор бир ҳодиса ёки жараённинг аниқ ўлчамини ифодалаш керак ва бошқа критерияларга боғлиқ бўлмаслиги лозим. Критериялар¹:

- бошқа альтернативалар ичидан ажратиб олиниши мумкин бўлиши керак;
- тўла бўлиши керак, яъни барча мақсадларни қамраб олиши лозим;
- тезкор бўлмоғи даркор – вақт ўтиши билан қиймати ўзгаради;
- ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак, қайта такрорланишига йўл қўймаслик лозим;
- бир нечта бўлиши керак (кўпайиб кетиши керак эмас) - бошқариш учун қулай бўлиши учун.

Критерияларни ташлашда бир қатор услублардан фойдаланилиши мумкин: “ақлий ҳужум”, SWOT-анализ ва бошқалар.

6-босқич. Қарор қабул қилиш инструментини танлаш учун бир нечта инструментал таклиф этилиши мумкин:

Иерархиялар таҳлил услуби

Кўп мезонли масалаларни ечишда қўлланиладиган услублар

Чизиқли масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган услублар ва ҳ.к.

¹ Guidebook to Decision-Making Methods, p. 4, 2002

Албатта, масалани ҳал қилишда қарор қабул қилиш инструменти масаланинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланади.

7-босқич.

Асосий критерияларга мос тушадиган альтернативалар ичида энг мақбул вариантни шакллантириш лозим. Альтернативалар ҳам миқдорий ва сифатий услублардан фойдаланилган ҳолда шаклланиши мумкин.

8-босқич. Барча босқичлардан ўтилгач қабул қилинган қарор асосида олиб борилган ишлар натижасини текшириш лозим бўлади. Даставвал қўйилган мақсадга эришилдими, барча талаб ва чекловлар инобатга олинди ми йўқми, текшириш керак.

Қуйидаги жадвалда айрим илмий мактаблар олимлари томонидан тизимли таҳлилга берилган таснифлар акс эттирилган¹.

1-жадвал. Тизимли таҳлил мактаблари ва унинг асосий босқичлари.

Мактаб ва унинг вакили	Тизимли таҳлилнинг асосий босқичлари
<p>Оптнер С.Л. таснифига кўра (Қурол тизимларини баҳолаш ва танлаш, саноат тизимлари ва инвестицияларни баҳолаш ва танлаш билан шуғулланувчи тизимли таҳлил бўйича классик америка мактаби)</p> <p>Манба: <i>Бизнес ва саноат масалаларини ечишда тизимли таҳлил.</i> на русск. М.: Сов.радио, 1969. С. 216</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Муаммонинг долзарблигини аниқлаш; 2) мақсадларни аниқлаш; 3) тизимнинг структурасини ва камчиликларини аниқлаш; 4) имкониятларини аниқлаш; 5) альтернатив вариантларни топиш; 6) альтернативаларни баҳолаш; 7) қарорларни ишлаб чиқиш; 8) қарорни тан олиш; 9) қарорни ишга тушириш; 10) қарорни амалга оширишни бошқариш; 11) амалга ошириш ва оқибатларини баҳолаш.
<p>Янг С. таснифига кўра (Тизимли лойиҳалаштириш ва ташкилотларни бошқариш мактаби)</p> <p>Манба: <i>Ташкилотни тизимли бошқариш</i> на русск. М.: Сов.радио, 1972. С. 456</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Ташкилотнинг мақсадини аниқлаш; 2) муаммони аниқлаш; 3) диагностика (таърифи, тан олиниши); 4) ечимларни қидириш; 5) альтернативаларни танлаш ва баҳолаш; 6) қарорни келишиш; 7) қарорни тасдиқлаш; 8) амал қилишга тайёргарлик кўриш; 9) самарадорлигини текшириш.

¹ Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013.

<p>Федоренко Н.П. таснифига кўра (Халқ хўжалигини юқори даражада режалаштириш билан шуғулланувчи россия иқтисодий-математик мактаби)</p> <p>Манба: <i>Иқтисодиётни оптималлаштириш на русск. М.: Наука, 1977.</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Масалани шакллантириш; 2) мақсадларни аниқлаш; 3) маълумотларни йиғиш; 4) максимал альтернатив вариантларни топиш; 5) альтернативалар ичида танлаш; 6) тенглама, дастур ёки сценарий сифатида моделини тузиш; 7) ҳаражатларни баҳолаш; 8) қарорнинг сезувчанликка текшириш (параметрик тадқиқот)
<p>Никаноров С.П. таснифига кўра (Тармоқ даражасида ишловчи россия мактаби)</p> <p>Манба: <i>Тизимли таҳлил: АҚШда масалаларни ечиш методологиясининг ривожланиш босқичи на русск. Оптнер С. китобидан</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Муаммони аниқлаш; 2) масала долзарблигини баҳолаш; масала чегараларининг таҳлили; 3) критерийларни аниқлаш; 4) мавжуд тизим таҳлили; 5) имкониятларни қидириш (альтернатива); 6) альтернативаларни танлаш; 7) Тан олинисини таъминлаш; 8) Қарор қабул қилиш (формал масъулиятни белгилаш); 9) Қарорни амалга ошириш; 10) Қарор натижасини аниқлаш.
<p>Dennis, Wixom, Roth ларнинг таснифига кўра (АҚШ тизимли лойиҳалаш мактаби)</p> <p>Манба: <i>Systems analysis and design / Printed in the United States of America, 2012, – 594 p.</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Негатив ҳодисаларни аниқлаш; 2) тизимнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш; 3) тизимнинг исталган (намунавий) ҳолатини таҳлил қилиш; 4) тизимли муаммони изоҳлаш; 5) тизим моделини куриш; 6) альтернатив ечимларни топиш; 7) энг яхши ечимни танлаш; 8) тескари алоқа¹.

Ҳар бир муаллиф ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўз таснифланишларини тақдим этишга ҳаракат қилади, деб юқорида айтиб ўтдик. Аммо ҳар бир муаллиф ёндашувида бир хил принципнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Бир нечта олимлар қарашлари таҳлили натижасида тизимли таҳлил босқичларининг умумий қабул қилинган 8 та асосий босқичларини аниқлаштириб оламиз. Улар қуйидагидан иборатдир:


¹ *Systems analysis and design / Printed in the United States of America, 2012, – 594 p.*

1-босқич. Салбий ҳодисаларни аниқлаш	• Жамиятда содир бўлаётган салбий ҳодисаларни аниқлаш
2-босқич. Тизимнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш.	• Миқдорий ва сифат аломатларини тўплаш ва тизимнинг ҳозирги ҳолатига бирламчи хулоса чиқариш
3-босқич. Тизимнинг исталган (намунавий) ҳолатини таҳлил қилиш.	• Бош мақсад ва иккиламчи мақсадлар аниқланади ва натижавий мезон (критериялар) белгиланади
4-босқич. Тизимли муаммони изоҳлаш.	• Тизимнинг жорий ҳолати билан исталган ҳолати орасидаги фарқ аниқланади ва бу фарқ тизимдаги муаммо сифатида кўрсатилади
5-босқич. Тизим моделини тузиш.	• Турли хил ечимларни солиштира оладиган комплекс мантикий ва математик ифодалар билан тасвирланган жорий тизимнинг соддалаштирилган модели яратилади
6-босқич. Альтернатив ечимларни топиш.	• Барча мавжуд бўлган альтернатив ечимлар топилади ҳамда мавжуд бўлган ечимлар соҳаси аниқланади
7-босқич. Оптимал ечимни аниқлаш.	• Барча топилган ечимлар мақсад ва самарадорлик мезонларига нисбатан бир-бири билан таққосланади ва улар орасидан энг оптимали танланади
8-босқич. Тескари алоқа.	• Агар оптимал ечим топилмаса, у ҳолда биринчи босқичга қайтилади ва тизимли таҳлил натижасида йўл қўйилган хатоликларни инобатга олиб қайтадан таҳлил амалга оширилади

6-расм. Тизимли таҳлил босқичлари.

Юридик соҳа тизимларининг таснифлари

Ҳар қандай тизим муҳит ичида мавжуд бўлади Айрим ҳолларда улар ўртасидаги боғлиқлик шунчалик кучли бўладики, улар ўртасида чегарани аниқлаш жуда мураккаб бўлиб қолади. Тизимни муҳитдан ажратиб олиш – бу тизимни қанчалик идеаллаштириш мақсадига боғлиқ бўлади. Тизимларнинг классификациясини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин:



7-расм. Тизимлар классификацияси

2-жадвал. Тизимлар классификацияси.

Классификация критерийси	Тизимлар синфи
Ташқи муҳит билан алоқасига кўра	Очиқ Ёпиқ Аралаш
Тузилишига кўра	Содда Мураккаб Катта
Вазифаларнинг табиатига кўра	Махсус Кўп вазифали (универсал)
Ривожланиш табиатига кўра	Барқарор Ривожланаётган
Ташкиллаштирилганлик даражасига кўра	Яхши ташкиллаштирилган Яхши ташкиллаштирилмаган (диффуз)
Хулқи (хатти-харакати)нинг мураккаблигига кўра	Автоматик Ҳал этувчи Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи Башорат қилувчи Шаклни ўзгартирувчи
Элементлараро алоқасига кўра	Детерминистик Стохастик
Бошқарув тузилишига кўра	Марказлаштирилган Марказлаштирилмаган
Тайинланишига кўра (мақсад)	Ишлаб чиқарувчи Бошқарувчи Хизмат кўрсатувчи

Тизимли таҳлилда қўлланувчи илмий методлар

Жамиятда инсонлараро бўлиб вужудга келадиган ҳар қандай муносабат 3 та муносабат тури орқали ўз ифодасини топади:

1. Инсон – табиат;
2. Инсон – техника;
3. Инсон – инсон.


Биринчи ва иккинчи муносабат орқали ифода этилган жараёнларда фаолият аниқ белгиланган қоида, меъёр ва тартиб орқали ташкил этилади.

“Инсон - инсон” муносабатини ифодаловчи жараён энг мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Бундай муносабатни тартибга солиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Чунки, инсон – онгли мавжудот, унинг психологик ҳолати ҳар қандай фаолиятнинг асосида ётишини, албатта, биринчи навбатга қўйишимиз лозим. Шундай экан, инсоннинг психологик ҳолатига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили ҳам жуда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ўзида илмий билишнинг методологик инструментларини жамлаган тизимли таҳлил методи фаннинг барча йўналишларига хос бўлиб, бир йўналишда эришган ютуқларини бошқа йўналиш масалаларини ечишга тадбиқ эта олиши билан самаралидир.

Муаммоли вазиятлар, жараёнлар ва муайян тизим масалаларини тизимли таҳлил қилишда кўплаб методлар ҳамда воситалардан фойдаланилади. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган¹ (8-расм).

¹ **Systems analysis and design** / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012.




8-расм. Тизимли таҳлил услуб(метод)лари.

Яхши юрист – бу масалани судгача етказмасдан ҳал қилган юрист ҳисобланади. Бунинг учун юрист (ҳуқуқшунос) кучли билим эгаси бўлиши лозим. Бунинг учун юрист қандай билим ва кўникмаларга эга бўлмоғи лозим? деган савол туғилиши табиийдир. Юриспруденцияни ўрганишда лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг график кўриниши қуйидаги жадвалда келтирилган:

Қуйидаги графикда (8-расмда) ҳуқуқшунос қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлигини яққол кўриш мумкин. Чизмада кўрсатилган билим ва кўникмалар ўзига хос таҳлил усулларини билишни талаб этади. Шундай экан кейинги бўлимимизда айнан тизимли таҳлилда қўлланиладиган илмий ва эмпирик услубларни кўриб чиқамиз.

9-расм. Юриспруденцияни ўрганишдаги қўникмаларнинг график кўриниши.
 (“Legal Methods and Reasoning” second edition, Sharon Hanson, LLB, MA, 2003, ISBN 1-85941-783-3)




Илмий усуллар – илмий билиш фаолияти доирасида ҳақиқатга объектив билимлар орқали эришиш тамойиллари, усуллари ва услублари йиғиндисидир. Бундай усул ва услублар илмий тадқиқот методологиясида ўз ифодасини топади. Бу ҳақда батафсил тўхтилиб ўтишга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Илмий тадқиқот, яъни билиш жараёнининг таҳлили илмий бадқиқотнинг асосий иккита турини ажратиб беради:

1. Ҳам илмий, ҳам назарий билимларга асосланган универсал тадқиқот усуллари.
2. Эмпирик ва назарий билим усулларида иборат бўлган фақатгина илмий билишда қўлланиладиган усуллар.

Илмий усулларга анализ ва синтез, абстрактлаш (мавҳумлаштириш), умумлаштириш, индукция ва дедукция, аналогия (ўхшашини топиш), моделлаштириш каби усуллари киритишимиз мумкин.



10-расм. Илмий усуллар.

Анализ - нарсани таркибий элементларга, қисмларга ёки таркибий белгиларга бўлиш демақдир. Анализ – тизимли таҳлилда қўлланилувчи шундай бир усулдирки, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий жиҳатдан хусусиятларини таҳлил қиламиз. Синтез – шундай бир усулдирки, биз нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган, ажратилган айрим қисмларини, бўлақларини синтез ёрдами билан фикран ва амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолига келтирамиз¹.

¹ Gary B. Shelly, Harry J. Rosenblatt. Systems analysis and design. – Ninth ed., Printed in the United States of America, 2012, - 178 p.

Синтез - анализнинг акси ёки тескараси бўлган тафаккур жараёнидир. Бунда таркибий қисмлар ягона бир бутунга бирлашади. Анализ ва синтез бири бири билан чамбарчас боғлангандир, чунки фикр жараёнининг айрим босқичларида биринчи ўринга анализ ёки синтез чиқади. Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўйишдан иборат бўлиб, амалий анализ бўлгани сингари амалий синтез ҳам бўлади.

Абстракция – шундай фикр тафаккур шаклидирки, унинг ёрдамида моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташлаймиз. Абстракция - шундай бир фикрлаш жараёнидирки, бунда тафаккурда акс этилаётган бир ёки бир неча объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳаракати, ҳолати, муносабати) шу объект ёки объектлардан фикран ажратиб олинади. Бу жараёнда объектдан ажратилган бир белгининг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция одатда анализ жараёни ёки анализ натижасида содир бўлади. Абстракция умумлаштириш билан боғлиқдир.

Умумлаштириш – тафаккурда акс этган бир туркум нарсаларнинг, ўхшаш муҳим белгиларнинг шу нарсалар тўғрисидаги битта тушунча қилиб, фикрда бирлаштириш демакдир. Умумлаштириш - предметлар ва ҳодисаларни уларнинг умумий ва асосий томонларини ажратиб кўрсатиш асосида бир-бирлари билан фикран бирлаштиришдир.

Таққослаш – бу восита ёрдамида объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади. XIX-XX асрларда яшаган олим К.Д.Ушинский таққослаш жараёни борасида қуйидагиларни таъкидлаган: “Агар сиз табиатни бир нарсасини равшан тушуниб олишни истасангиз, унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан тафовутини топингиз ва унинг ўзида жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлигини топингиз. Ана шунда сиз шу нарсанинг энг муҳим белгиларини пайқаб оласиз, демак шу нарсани тушуниб оласиз”. Таққослаш операцияси икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин: а) амалий аниқ нарсаларни бевосита солиштириш; б) назарий тасаввур қилинаётган образларни ва нарсаларни онгда фикран таққослаш.

Хулоса чиқариш уч турга бўлинади:

- Индуктив хулоса чиқариш – бу хулоса чиқаришнинг шундай мантиқий усулидирки, бунда бир неча якка ва айрим ҳукмлардан умумий ҳукмга ўтилади, ёки айрим факт ва ҳодисаларни ўрганиш асосида умумий қонун ва қоидалар яратилади.

- Дедуктив хулоса чиқаришда умумий ва якка ҳукмлардан якка ёки жузъий ҳукм келтириб чиқарилади. Мисол учун барча жиноий ишлар жазога тортилади. Ўғирлик – жиноят. Демак, ўғирлик жазоланади.

- Аналогия деб нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган баъзи белгиларига қарабгина ҳукм юритишдан иборат хулоса чиқариш шаклига айтилади.

Таққослаш, анализ ва синтез, абстракция ва умумлаштириш, конкретлаштириш, классификация (тасниф) ва системалаштириш (тизим)га солиш усуллари асосий турларидир.

Таққослаш - нарсалар ўртасидаги ўхшашликни ёки тафовутни, тенглик ёки тенгсизлик борлигини, бир хиллик ёки қарама-қаршилик борлигини аниқлашда ифодаланади. Амалий таққослаш бир нарсани иккинчи нарсага солиштириб кўрилатганда, масалан, ўғирликни бошқа бир жиноят тури билан солиштиришда ўз ифодасини топади. Таққослаш тасаввур қилинаётган ёки қилинган нарсаларни бир-бирига фикран солиштириб кўриш йўли билан ҳал бўлади.


2-амалий машғулот. Ҳуқуқий соҳа тизимли таҳлилида қўлланувчи замонавий миқдорий услублар ва воситалар

Ҳуқуқий соҳадаги тизимлар, уларнинг тузилмаси ва таркиби

Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай жараён ҳуқуқий тартибга солишга мухтож ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, юзага келадиган муаммони у келиб чиққан муҳитдан ажратиб олган ҳолда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш нотўғри бўлиб ҳисобланади. Аввалги бўлимларда айтиб ўтганимиздек, муаммо муҳитдан ажратилмаган ҳолда кўриб чиқилгандагина, кутилган натижа ва самарага олиб келиши мумкин. Ҳар бир соҳада инсон фаолиятини тартибга солишга эҳтиёж пайдо бўлар экан, ўз навбатида янги тизимнинг шаклланишига олиб келади.


Инсон жамиятнинг бир бўлаги, давлатнинг бир қисми экан, барча йўналишларда, айниқса, бугунги кунда пайдо бўлаётган янги фаолият турлари натижасида янги тизимларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Интернет технологияларининг ҳаётга кириб бориши инсон ва интеллектуал мулк борасида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишни, янги тўлов тизимларининг пайдо бўлиши электрон тўлов тизимлари ва инсон фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ва муносабатларни тартибга солишни, масофавий ўқиш турининг пайдо бўлиши таълим олиш масаласининг ва ҳ.к.ларни ҳал қилишда янги тизимларнинг пайдо бўлишини тақозо этади.

Юзага келган муаммони ҳал қилишда инсон ушбу муаммони ечимига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир этувчи муҳит ва омилларни таҳлил қилган ҳолда абстракт тизимни ярата олиши муҳим ҳисобланади. Умуман олганда, муаммоли вазиятда муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашувни қўйидагича тасвирлаш мумкин:



10-расм. Муаммо ечимида тизимли ёндашув.

Муаммони ечишда қўлланиладиган тизимли таҳлил усуллари ва уларга хос бўлган жараёнларнинг соддалаштирилган шаклини қўйидаги тасвирда кўришимиз мумкин:



11-расм. Тизимли таҳлилнинг асосий усуллари ва жараёнлари.

Амалиётда тизимли таҳлилнинг тасвирда кўрсатилган босқичма-босқич жараёнига эътибор берилмайди, чунки ҳақиқатда тизимли таҳлилнинг вазифалари мураккаб бўлади ва бу тартибга амал қилиш асосий мақсаддан четланишга олиб келиши мумкин. У ёки бу усулларнинг қўлланилиши ечилаётган муаммонинг табиати, келиб чиқиши ва бошқа кўп омилларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Илмий тадқиқотларда ҳақиқатни излаш аввалам бор эмпирик тарзда бошланиб, илмий исботгача давом этиши даркор. Шу ўринда масалани ҳал этиш (ҳақиқатни аниқлаш) йўлида ҳар қандай услуб, усул ва воситалар самара беришига қараб, у ёки бу вазиятларда қўлланилиши мумкин. Кўплаб илмий назариялар ҳам эмпирик услублар орқали ривожланишни бошлаган, уларнинг

айримларигина ҳосилавий назариялар, яъни мавжуд назариялар шажарасига мансуб ҳисобланади.

Тизимли таҳлил фани ҳам ўз навбатида классик назариялардан озикланади, муаммоли вазиятларнинг тизимли таҳлилида замонавий усул ва воситалар қатори эмпирик методлардан ҳам фойдаланилади. Масалан, кузатиш, ўлчаш, тажриба ўтказиш ва б.

Микдорий ҳамда номикдорий услублардан фойдаланиш – тизимли таҳлилнинг асосий принципиал хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқий жараёнда қарорлар қабул қилишда услублар танлавини осонлаштириш учун услубларни гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар бир масаланинг моҳияти уни вербал (оғзаки) кўринишдан расмий (ёзма) шаклга келтиришдан иборат бўлади. Оддий масалаларда бундай ифода инсон тафаккурининг ўзида шаклланади ва шахс бундай қандай амалга оширганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин. Агар ҳосил бўлган модель амал қилувчи қонунларга таянса, ёки экспериментларда ўз тасдиғини топса, бундай модель шу типдаги масалаларни ечишда қўлланилишга тавсия этилиши мумкин.

Масаланинг мураккаблашиб бориши, унинг моделини тузиш ва уни асослаш жараёнини ҳам мураккаблаштиради. Бошида эксперимент қимматга тушади, иқтисодиётда эса амалга оширишнинг ўзи мумкин эмас. Масала бундай ҳолда бошқа тусга ўтади, яъни масалани вербал шаклдан расмий шаклга ўтказиш энг асосий қисм бўлиб қолади¹² (*қаранг: [2], 4-қисм; [4], 30-бет.*)

Турли билим соҳаларида вербал таснифни формал кўринишга келтириш учун махсус усул ва услублар ишлаб чиқилди. Бундай услубларнинг барчаси икки синфга ажратилади:

- тизимларни тақдим қилишда расмийлаштирилган услублар;
- тизимли таҳлилда эксперт методлари номини олган услублар, яъни бунда мутахассисларнинг тажриба ва интуицияси инобатга олинган ҳолда таҳлил амалга оширилади. (*5-расмга қаранг.*)

Эмпирик усулларга кузатиш, тасвириш, ўлчаш, тажриба (эксперимент) каби усулларни киритишимиз мумкин. Кенг маънода эмпирик усуллар деганда ҳаёт давомида инсон амалий фаолияти асосида кузатувлар натижасида тўпланган билимлар назарда тутилади. Замонавий методологияда эса эмпирик услубларга кузатув ва эксперимент, яъни тажрибаларни киритишади. Бундай усулларнинг қўлланишдан асосий мақсад ўрганилаётган муаммони ҳал этишда аввалроқ бўлган жараёнларни кузатиш ёки тажриба ўтказиш орқали билим

¹ **Systems analysis and design** / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012.

² **Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers** / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013.

олишдан иборатдир. Албатта, инсон билан боғлиқ бўлган фаолиятда тажриба ўтказишда эҳтиёткорлик ва катта масъулият талаб этилади.

Кузатиш усули – натурада (жойида) ёки масофадан туриб объектларнинг мониторингини олиб бориш орқали амалга оширилади. Жамият ва табиатнинг ташқи омиллар натижасида ўзгарувчанлиги жараёнларни майдон, макон ва давр мобайнида қай тарзда ўзгариб боришини кузатиб бериш усуллари қўллашни талаб этади. Кузатиш усуллари бир нечта турларга бўлинади: 1. Тўғридан-тўғри кузатиш. 2. Билвосита кузатиш. 3. Бевосита кузатиш. 4. Восита (ускуна, техника ва ҳ.к.) ёрдамида кузатиш. Албатта, бу усуллар алоҳида қўлланилмайди, улар бир-бирини тўлдирган ҳолда бир нечта усуллар биргаликда қўлланилиши мумкин.

Тажриба – махсус билим олишга йўналтирилган мақсадга йўналтирилган, методик характерга эга бўлган малакавий усулдир. Кўпроқ табиат, ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган жараёнларда ишлатилган бўлса, бугунги кунда ижтимоий соҳаларга ҳам кириб келмоқда. Масалан, 2013 йил 20 мартда Президентимизнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларини тажрибадан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ташкил этишга йўналтирилган Фармойиш қабул қилинди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари улар фаолиятдан кенг хабардор бўлишига йўналтирилган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Ҳуқуқий эксперимент — бу экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини, фойдалилигини ва тежамлилигини текшириш ҳамда умумий амал қиладиган бўлғуси қонуннинг мақбул вариантларини пухта ишлаш учун чекланган географик ва вақт кўламида қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказишдир¹.

Ҳуқуқий экспериментдан фойдаланиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг демократик усуллари билан бири ҳисобланади. Ундан халқаро амалиётда кенг фойдаланилади. Бу усулдан фойдаланиш жамият ва давлат қурилишининг реал юридик амалиёти билан бевосита боғлиқ, илмий асосланган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлиги ва самарадорлиги бўйича тавсиялар олиш имконини беради. Президент Фармойиши бир томондан, ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун янги имкониятлар очса, иккинчи томондан, қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектларининг қонун ижодкорлиги

¹ Gary B. Shelly, Harry J. Rosenblatt. Systems analysis and design. – Ninth ed., Printed in the United States of America, 2012, - 138 p.

фаолиятига янги, истиқболли, демократик тамойилларга асосланган экспериментал усулни кенг жорий этиш асосини шакллантиради.

Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига зарур ахборотни олишнинг кенг имкониятларини беради.

Ҳуқуқий соҳада мавжуд муайян тизим масалаларига нисбатан тизимли ёндашув

Ҳар бир тадқиқотчи “тизимли ёндашув”да ўз мазмунини беришга ҳаракат қилади. Булар орасида ягона умумийлик - бу тизимнинг мураккаблигини тан олишдан иборатлигидир. Мураккаблик ҳам ўз навбатида турлича талқин этилади ва унга асосан турлича ёндашувлар таклиф этилади. Бу эса ўз навбатида тизимли таҳлилнинг мураккаблашишининг асосий сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Турлича таърифларни кўриб чиқамиз:

Тизимли ёндашув – интеграция, ҳодиса, объектнинг турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш, синтез ва таҳлил этиш. (А.Холл)

Тизимли ёндашув – ҳар қандай тизимни ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот ва восита эмас, балки бир бутунликни ташкил этувчи тизимларни ўрганишдаги ёндашувдир.

Тизимли ёндашув – объект, процедураларни тизим ва уни амалга ошириш услублари сифатида ифодаланишидир.

Тизимли ёндашув – Д. Бурчвилд таснивига кўра бирор бир масалани ечишда турли хил таълимотлар ва баҳолашларни олиш ва танлаш учун берилган жуда кенг имкониятлардир, улар асосида эса энг оптималини танлаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Тизимли таҳлилда масалани ҳар хил кичик бўлақларга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Аксинча, токи масалада барча дуч келиши мумкин бўлган жойлар ва масалалар қамраб олинмагунга қадар, масала сунъий равишда янада мураккаблаштирилиб ва кенгайтирилиб борилади.

Бошқа сўз билан айтганда, тизимли таҳлил масала ечимида фақатгина бир кичик доирада чегараланиб қолмасдан, балки мутахассис доирасидан чиқиб кетган масалаларга ҳам эътиборни жалб этган ҳолда ёндашувни талаб этади.

Тизимли ва комплекс ёндашувларнинг ўхшаш ва фарқлари

3-жадвал.

Ёндашув характеристикаси	Комплекс ёндашув	Тизимли ёндашув
Молиялаштириш	Уларнинг фанлараро намоёйишини ва ўзаро хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда	
Мақсаднинг белгиланиши	Объектив воқеликни синтезлаштирилган ифодасига кўра	
Кўрсатмаларни амалга ошириш механизми	Турли фанлар асосида синтез қилиш (натижаларни умумийлаштириш шарти билан)	Тизим белгиларини ўзида ифода этувчи янги билимлар даражасида битта фан доирасида синтез қилиш,)
Тадқиқот объекти	Турли ҳодиса, жараён, ҳолат ва сумматив тизимлар	Фақат тизимли объектлар, яъни бирор қонун асосида структуралаштирилган элементлардан ташкил топган бутун тизимлар
Услуб	Фанлараро – самарадорликка таъсир этувчи иккита ёки ундан ортиқ кўрсаткичларни инобатга олади.	Тизимли – самарадорликка таъсир этувчи барча кўрсаткичларни инобатга олади.
Тушуниш аппарати	Асосий вариант – нормативлар, экспертизалар, умумлаштириш, критерияларни ифодалаш учун муносабат	Ривожланиш тенденциялари, муносабатлардан фарқланадиган аналитик боғловчилар, критерийларни текшириш, оптимал шаклни танлаш.
Принциплар	Мавжуд эмас	Асосни ташкил этувчи: тизимли, иерархиялар, интеграциялар, расмийлаштириш
Назария ва амалиёт	Назария мавжуд эмас, амалиёт эса самарасиз	Системология — тизимлар назарияси. Системотехника — амалиёт, ТТ — методология

Умумий характеристика	Ташкилий-методик (ташқи) тахминан, Ҳар томонлама, боғлиқ, ўзаро шартли	Методологик (ички), объект табиатига яқинроқ, мақсадга йўналтирилган, тартиблаштирилган, ташкиллаштирилган
Ўзига хос хусусиятлари	Муаммо кенглиги инобатга олинishi	Ноаниқлик ва риск шароитида муаммо кенглигининг инобатга олинishi
Ривожланиши	Мавжуд бўлган билимлар асосида	Бир фан доирасида
Натижа	Иқтисодий натижа	Тизимли натижа (муаллифлик материаллари)
Кадрларни тайёрлаш	Бор	Йўқ
Амалга ошириш мисоллари	Техник-иқтисодий мантикий асосланиши, замонавий технологияларнинг мақсади сифатида фойда қонуни	ГОЭЛРО режаси, Космик тизимлар, ПЖЦ бўйича тизимли баҳолаш, ҳар томонлама фойда қонуни, экология принциплари ва меҳнат хавфсизлигига тўғри риоя этилиши
Ечимнинг стандартлилиги	Бор	Йўқ

Тизимли ва комплекс ёндашувлар орасидаги ўзаро фарқ мавжудлиги ўринли ҳисобланади. Чунки комплекс ёндашувга мос келувчи иқтисодий самарадорлик фақат пул шаклида ифодаланувчи баҳолаш омилларини ҳисобга олади. Лекин инсон эҳтиёжларини баҳолаш учун фойда баҳолаш мезони сифатида деярли мос келмайди. Жамият бойлигини ифодаловчи пул шаклидан фарқли бўлган янги бир тушунча керак. Ва бундай тушунча тизимли ёндашув асосида шаклланган тизимли самарадорлик тушунчасида ўз ифодасини топади (қаранг: [2], 1-қисм; [4], 67-71 бетлар.)¹²

Ҳуқуқий таълимда тил, яъни нутқга алоҳида тўхталмасдан иложи йўқ. Инсон ҳаво билан нафас олгандек, юриспруденцияни нутқсиз тасаввур этиш жуда қийин. Инсон ўз ҳис-ҳаяжони, кўрқиш ва хурсандчилиги, тажрибаси ва ўйларини нутқ орқали ифода этади. Баъзида инсон, яъни юрист бошқа инсонларнинг ҳис-ҳаяжони, фикр-ўйларини ифодалаббериши лозим бўлади.

¹ **Systems analysis and design** / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012, 257 p.

² **Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers** / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013, 159 p.

Мақсадни ифодалашда нутқнинг тўғри ифодаланмаслиги қайтариб бўлмас хатолик ва вазиятларнинг келиб чиқишига асос бўлади. Муаммо, масалалар, фикр-ғояларнинг тўғри ифодаланиши, албатта, таҳлилнинг чуқурлигига боғлиқ бўлади, яъни фикрлаш жараёнида тизимли таҳлил услубларининг кенг қўлланилишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Аввалги бўлимларда тизимли таҳлил жараёнида қўлланиладиган бир қатор усулла билан танишиб чиқдик.

Ҳуқуқий соҳадаги тизимларни ўрганишда юридик муаммоларнинг ва қоидаларнинг табиатини тушуниш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар масаланинг табиати умумий ҳолда тушунарли бўлмаса, ҳуқуқий қоидаларни тушуниш қийин бўлади, ҳуқуқий қоидаларни муаммо ечимида қўллаш ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқариши аниқ бўлиб ҳисобланади¹.

¹ Sharon Hanson, *Legal Method and Reasoning*, Second edition, London, Sydney, 2003, 167 p.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Мини-кейслар

Қуйида келтирилаётган топшириқлар мини-кейслар ўрнида қўлланилиши мумкин. Уларнинг жавоблари нисбатан оддий бўлиб, тез топилиши мумкин, бироқ уларни тўғрилигини исботлаш талаб этилса, тингловчи ўзининг аналитик фикрлаш қобилиятини намоёйиш этишига тўғри келади. Методик жиҳатдан мазкур топшириқлар мавзуга оид билимларни мустаҳкамлаш учун қўл келса, гуманитар соҳа вакили бўлган тингловчида, амалий кўникмаларни шакллантириш нуқтаи назаридан, бу топшириқлар мантиқ қоидаларини қўллай билиш, мантиқий изчилликка риоя этиш каби уқувларни оширади.

Биринчи мини-кейс

Чет элдаги йирик корхонада икки кун давомида иш ташлаш бўлиб ўтди. Корхонада 7500 нафар фуқаро ишлар эди. Иш ташлашнинг биринчи кунда 3500 нафар ишчи қатнашди, иккинчи кунда эса 4700 нафар ишчи қатнашди. Маълум бўлишича, 2300 нафар ишчи иш ташлашнинг бошидан-охиригача, яъни икки кун давомида қатнашган.

Корхона ишчиларининг қанчаси иш ташлашда иштирок этмаган?

a) 2300 нафар b) 1200 нафар c) 2400 нафар d) 1600 нафар

Ушбу мини-кейс (тест топшириғи) тўплам элементлари ҳамда тўпламлар устида амалларни ўзлаштирганликни текшириш учун берилувчи топшириқлар қаторида туради. Топшириқнинг эталон вазифаси ўхшаш ҳолатлардаги масалаларни тўпламлар тилида формаллаштириш орқали ечишга ўргатишдан иборат.

Иккинчи мини-кейс

Уч оғайни тортишмоқда... (Жалил, Анвар, Равшан): Тортишув турнир золибини башоратлаш борасида. Жалилнинг гапи: “Валенция ютмайди, Сарбона ютади.” Анвар: “Валенция ютади, Арсенални гапирмаса ҳам бўлади (у ютолмайди)”, деган фикрда. Равшан, жаҳли чиқиб таъкидлайди: “Сарбона галабани тушида кўрсин (ютмайди, демоқчи). Арсенал, тўғри, ҳаммадан яхши ўйнайди.”

Турнир ниҳоясида маълум бўлдики, 2та оғайнининг ҳар икки мулоҳазаси тасдиқланди, оғайниларнинг учинчисини айтган иккала мулоҳазаси нотўғри бўлиб чиқди.

Бу турнирда ким золиб бўлган?

a) Сарбона b) Арсенал c) Валенция d) ҳеч ким

Мазкур мини-кейс (тест топшириғи) мулоҳазалар устида амалларни ўзлаштирганликни текшириш ҳамда мулоҳазалар алгебрасидан фойдаланишни ўргатиш, унинг самарасини намойиш этиш мақсадида тузилган. Бу каби тест топшириқларини батафсил таҳлил қилиб чиқиш талаба ва тинловчиларда мантиқий-аналитик фикрлаш кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчи мини-кейс

Профилактика инспектори масъул бўлган ҳудудда автомобил ичида қолдирилган буюмларни ва автомобил қисмларини ўғирловчи гуруҳ фаолият юритаётгани аниқланди ва бу гуруҳ қўлга олинди.

Тергов пайтида маълум бўлишича, гуруҳ 3 нафар ўспириндан иборат бўлган – Вадим, Сергей, Михаил, аниқланишича, улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган бўлган:

“бири – атрофни назорат қилиб жараённи бошқариб турган, иккинчиси – автомобил сигнализациясини бузишга ихтисослашган, учинчисининг вазифаси – автомобилдан мўлжалдаги буюм ва маълум қимматга эга қисмларни зудлик билан йиғиштириб ва ечиб олиш бўлган.

Уларнинг бераётган кўрсатмалари орасидан қуйидаги кўрсатмаларга терговчи эътибор қаратди: Вадим: “атрофни назорат қилиб тураман холос”, Сергей: “мен жараённи бошқариб турганим йўқ”, Михаил: “мен сигнализацияни бузганим йўқ”.

Терговда бу учта тасдиқдан фақат биттаси рост, қолган иккитаси ёлгон бўлиб чиқди.

Терговчи қандай фаразни илгари сурган ва қандай мулоҳаза юритган ?

Бу каби масалаларни ечиш дедуктив мулоҳаза юритиш кўникмасини оширишга хизмат қилади. Улардан ассисмент топшириқлари сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар ичида юриспруденциянинг аксарият фанлари юқори аниқликни талаб этиши билан ажралиб турар экан, мазкур фанларни ўзлаштираётган талабалар ва тинловчиларда информацион ҳамда мантиқий-математик тафаккурни нафақат шакллантириш, балки етарли даражада мустаҳкамлаш зарур. Шу ўринда биз гуманитар соҳа педагог ходимлари ўзимиз ҳам айни мантиқий-математик тафаккуримизни сайқаллаб боришимиз, малака ва кўникмаларимизни мустаҳкамлаб туришимиз, ўқитишнинг янги, илғор, креатив технологияларини ўзлаштиришга ўзимизда ихлос уйғотишимиз, замонавий педагогик воситаларни ишга солишимиз ҳамда янгиликларни ўрганишда давом этишимиз ва ниҳоят, энг асосийси, устозлик бурчимизни унитмаслигимиз керак.

Катта (давомли) кейслар¹

Тўртинчи кейс:

Ноаниқлик шароитида жиноятчиликка қарши курашиш тизимидаги муаммоли ҳолатни ўрганиш бўйича.

Жиноятчиликка қарши курашиш жараёни ҳозирги кунда етарли даражада талабга жавоб бермаётганлиги эътироф этилди. Жиноятчиликка қарши курашиш тизимида терговчилар сони нисбатан олганда кам бўлганлиги сабабли ҳукумат кейинги 10 йиллик (2014-2023) учун терговчилар сонини ошириш чора-тадбирлари дастурини қабул қилмоқчи. Келажакда аҳолининг ҳуқуқий онги бўйича маълумот йўқлиги сабабли, келажакда учта ҳуқуқий онг ҳолатлари рўй бериши мумкинлиги фараз қилинди: ҳуқуқий онг паст, ҳуқуқий онг ўртача, ҳуқуқий онг юқори. Жами тўртта дастур ишлаб чиқилди ва танлаб олиш учун таклиф қилинди. Маблағ фақат битта дастурни амалга ошириш учун етарли бўлганлиги сабабли, тўрттасидан биттасини танлаб олиш зарур.

Ички ишлар вазирлиги “Аҳоли орасида жиноятчиликни олдини олиш мақсадида Ички ишлар академиясида терговчиларни тайёрлаш” дастурини ишлаб чиқди ва таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 350, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 250, ҳуқуқий онг юқори бўлса 150 кишини ташкил этиши мумкин экан.

Адлия вазирлиги эса “Жиноятчиликни камайтириш ва терговчиларни тайёрлаш мақсадида юристларни қайта ўқитиш бўйича чора-тадбирлари” дастурини таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 200, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 150, ҳуқуқий онг юқори бўлса 100 кишини ташкил этиши мумкин экан.

Бош прокуратура эса “Жиноятчиликни камайтириш ва терговчиларни тайёрлаш мақсадида прокуратура ходимларини қайта ўқитиш бўйича чора-тадбирлари” дастурини ишлаб чиқди ва таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 300, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 250, ҳуқуқий онг юқори бўлса 200 ни ташкил этиши мумкин экан.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эса “Жиноятчиликни олдини олиш мақсадида магистратура йўналишида терговчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари” дастурини таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг

¹ Катта (давомли) кейслар ўрнида 2014 йил А. Худайназаров томонидан тайёрланган кейслардан фойдаланилди.

кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони ҳуқуқий онг паст бўлса 180, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 150, ҳуқуқий онг юқори бўлса 120 ни ташкил этиши мумкин экан.

Кейсни қуйидаги тартибда бажаринг:

1. Тизимли муаммони аниқланг (тизимга оид қайси муаммо ўрганиляпти?).
2. Таҳлил объектини аниқланг (қанақа тизим ўрганиляпти?).
3. Таҳлил предметини аниқланг (тизимдаги қанақа жараён ўрганиляпти?).
4. Таҳлил усулини аниқланг (тизимли таҳлилнинг қайси усули қўлланыпти?).
5. Масала шартлари асосида тегишли белгилар киритган ҳолда қарор қабул қилувчи шахснинг альтернативалари ва ташқи муҳит ҳолатларини аниқланг.
6. Ютуқлар жадвали (матрицаси) ни тузинг. Масалани ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш қоидалари ёрдамида ечинг.
7. Максимакс қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
8. Валднинг максимин қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
9. Минимакс қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
10. Сэвидж қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
11. Лаплас қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
12. Гурвиц қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг. Песссизм коэффициентини 0,6 га тенг деб олинг.
13. Барча қоидалар асосида жамланма жадвал тузинг ва таҳлил қилинг.
14. Олинган натижалар асосида тегишли қарор қабул қилинг.
15. Тизимдаги муаммони ечиш бўйича хулоса қилинг.

Бешинчи кейс:

Таваккалчилик шароитида жиноятчиликка қарши курашиш тизимидаги муаммоли ҳолатни ўрганиш бўйича.

Жиноятчиликка қарши курашиш жараёни ҳозирги кунда етарли даражада талабга жавоб бераётганлиги эътироф этилди. Жиноятчиликка

қарши курашиш тизимида терговчилар сони нисбатан олганда кам бўлганлиги сабабли ҳукумат кейинги 10 йиллик (2014-2023) учун терговчилар сонини ошириш чора-тадбирлари дастурини қабул қилмоқчи. Келажакда аҳолининг ҳуқуқий онги бўйича маълумот йўқлиги сабабли, келажакда учта ҳуқуқий онг ҳолатлари рўй бериши мумкинлиги фараз қилинди: ҳуқуқий онг паст, ҳуқуқий онг ўртача, ҳуқуқий онг юқори. Шу билан бирга ҳуқуқий онг паст бўлиши 10 йиллик даврнинг икки йилида (2014, 2015) ва ҳуқуқий онг юқори бўлиши шу даврнинг уч йилида (2021, 2022, 2023) кузатилиши башорат қилинди. Жами тўртта дастур ишлаб чиқилди ва танлаб олиш учун таклиф қилинди. Маблағ фақат битта дастурни амалга ошириш учун етарли бўлганлиги сабабли, тўрттасидан биттасини танлаб олиш зарур.

Ички ишлар вазирлиги “Аҳоли орасида жиноятчиликни олдини олиш мақсадида Ички ишлар академиясида терговчиларни тайёрлаш” дастурини ишлаб чиқди ва таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 350, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 250, ҳуқуқий онг юқори бўлса 150 кишини ташкил этиши мумкин экан.

Адлия вазирлиги эса “Жиноятчиликни камайтириш ва терговчиларни тайёрлаш мақсадида юристларни қайта ўқитиш бўйича чора-тадбирлари” дастурини таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 200, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 150, ҳуқуқий онг юқори бўлса 100 кишини ташкил этиши мумкин экан.

Бош прокуратура эса “Жиноятчиликни камайтириш ва терговчиларни тайёрлаш мақсадида прокуратура ходимларини қайта ўқитиш бўйича чора-тадбирлари” дастурини ишлаб чиқди ва таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони: ҳуқуқий онг паст бўлса 300, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 250, ҳуқуқий онг юқори бўлса 200 ни ташкил этиши мумкин экан.

Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги эса “Жиноятчиликни олдини олиш мақсадида магистратура йўналишида терговчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари” дастурини таклиф қилди. Мазкур дастур бўйича юз минг кишили аҳолига тўғри келадиган терговчилар сони ҳуқуқий онг паст бўлса 180, ҳуқуқий онг ўртача бўлса 150, ҳуқуқий онг юқори бўлса 120ни ташкил этиши мумкин экан.

Кейсни қуйидаги тартибда бажаринг:

1. Тизимли муаммони аниқланг (тизимга оид қайси муаммо ўрганиляпти?).
2. Таҳлил объектини аниқланг (қанақа тизим ўрганиляпти?).

3. Таҳлил предметини аниқланг (тизимдаги қанақа жараён ўрганиляпти?).
4. Таҳлил усулини аниқланг (тизимли таҳлилнинг қайси усули қўлланыпти?).
5. Масала шартлари асосида тегишли белгилар киритган ҳолда қарор қабул қилувчи шахснинг альтернативалари ва ташқи муҳит ҳолатларини аниқланг.
6. Ташқи муҳит эҳтимолликларини тегишли белгилар киритган ҳолда ҳисоблаб чиқинг.
7. Ютуқлар жадвали (матрицаси) ни тузинг.
1. Масалани таваккал шароитида қарорлар қабул қилиш қоидалари ёрдамида ечинг.
8. Таваккал шароити деганда нимани тушунасиз? Ноаниқлик шароитидан унинг фарқи қанақа?
9. Байес қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
10. Байес-Сэвидж қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
11. Энг катта эҳтимоллик қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
12. Стандарт четлашишни минималлаштириш қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
13. Барча қоидалар асосида жамланма жадвал тузинг ва таҳлил қилинг.
14. Олинган натижалар асосида тегишли қарор қабул қилинг.
15. Тизимдаги муаммони ечиш бўйича хулоса қилинг.

Олтинчи кейс:

Ноаниқлик шароитида олий маълумотли юристларни тайёрлаш тизимидаги муаммоли ҳолатни ўрганиш бўйича.

Олий маълумотли юристларни тайёрлаш жараёни ҳозирги кунда миқдор жиҳатдан етарли даражада талабга жавоб бермаётганлиги эътироф этилди. Олий маълумотли юристларни тайёрлаш тизимида юристлар сони ва уларга талаб мос бўлмаганлиги сабабли ҳукумат кейинги 10 йиллик (2014-2023) учун учта олий маълумотли юристларни тайёрлаш дастуридан бирини қабул қилмоқчи. Биринчи дастур бўйича 100 минг юрист, иккинчи дастур бўйича 200 минг ва учинчи дастур бўйича 300 минг юрист тайёрланиши керак. Юристларга бўладиган талаб олдиндан номаълум. Агар талаб юқори бўлса, учинчи дастур кўп фойда келтиради, агар талаб

кичик бўлса, биринчи дастур фойдали бўлиб, учинчиси эса зарар келтиради. Юристарга талабнинг турли ҳолатларида дастурларнинг ютуқлари млрд. сўм миқдорида келтирилган (манфий қиймат зарарини англатади).

Агар биринчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик, ўрта ва катта талаб ҳолатларида фойда бир ҳил бўлади, яъни ҳар бир ҳолатда 20 млрд. сўмни ташкил этади.

Агар иккинчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик, ўрта ва катта талаб ҳолатларида фойда мос равишда 0 млрд. сўм , 40 млрд. сўм ва 60 млрд. сўм ни ташкил этади.

Агар учинчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик талаб ҳолатида фойда -30 млрд. сўмни ташкил этади, яъни 30 млрд. сўмлик зарар кўрилади, ўртача талаб ҳолатида фойда 60 млрд. сўм ва катта талаб ҳолатида фойда 120 млрд. сўмни ташкил этади.

Кейсни қуйидаги тартибда бажаринг:

1. Тизимли муаммони аниқланг (тизимга оид қайси муаммо ўрганиляпти?).
2. Таҳлил объектини аниқланг (қанақа тизим ўрганиляпти?).
3. Таҳлил предметини аниқланг (тизимдаги қанақа жараён ўрганиляпти?).
4. Таҳлил усулини аниқланг (тизимли таҳлилнинг қайси усули қўлланыпти?).
5. Масала шартлари асосида тегишли белгилар киритган ҳолда қарор қабул қилувчи шахснинг альтернативалари ва ташқи муҳит ҳолатларини аниқланг.
6. Ютуқлар жадвали (матрицаси) ни тузинг.
Масалани ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш қоидалари ёрдамида ечинг.
7. Максимакс қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
8. Валднинг максимин қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
9. Минимакс қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
10. Сэвидж қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
11. Лаплас қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
12. Гурвиц қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг. Пессимизм коэффициентини 0,6 га тенг деб олинг.

13. Барча қоидалар асосида жамланма жадвал тузинг ва тахлил қилинг.
14. Олинган натижалар асосида тегишли қарор қабул қилинг.
15. Тизимдаги муаммони ечиш бўйича хулоса қилинг.

Еттинчи кейс:

Таваккалчилик шароитида олий маълумотли юристларни тайёрлаш тизимидаги муаммоли ҳолатни ўрганиш бўйича.

Олий маълумотли юристларни тайёрлаш жараёни ҳозирги кунда миқдор жиҳатдан етарли даражада талабга жавоб бермаётганлиги эътироф этилди. Олий маълумотли юристларни тайёрлаш тизимида юристлар сони ва уларга талаб мос бўлмаганлиги сабабли ҳукумат кейинги 10 йиллик (2014-2023) учун учта олий маълумотли юристларни тайёрлаш дастуридан бирини қабул қилмоқчи. Биринчи дастур бўйича 100 минг юрист, иккинчи дастур бўйича 200 минг ва учинчи дастур бўйича 300 минг юрист тайёрланиши керак. Юристларга бўладиган талаб олдиндан номаълум. Агар талаб юқори бўлса, учинчи дастур кўп фойда келтиради, агар талаб кичик бўлса, биринчи дастур фойдали бўлиб, учинчиси эса зарар келтиради. Шу билан бирга кичик талаб бўлиши 10 йиллик даврнинг икки йилида (2014, 2015) ва катта талаб бўлиши шу даврнинг уч йилида (2021, 2022, 2023) кузатилиши башорат қилинди. Юристларга талабнинг турли ҳолатларида дастурларнинг ютуқлари млрд. сўм миқдорида келтирилган (манфий қиймат зарарини англатади).

Агар биринчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик, ўрта ва катта талаб ҳолатларида фойда бир ҳил бўлади, яъни ҳар бир ҳолатда 20 млрд. сўмни ташкил этади.

Агар иккинчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик, ўрта ва катта талаб ҳолатларида фойда мос равишда 0 млрд. сўм , 40 млрд. сўм ва 60 млрд. сўм ни ташкил этади.

Агар учинчи дастур қабул қилинса, у ҳолда: кичик талаб ҳолатида фойда -30 млрд. сўмни ташкил этади, яъни 30 млрд. сўмлик зарар кўрилади, ўртача талаб ҳолатида фойда 60 млрд. сўм ва катта талаб ҳолатида фойда 120 млрд. сўмни ташкил этади.

Кейсни қуйидаги тартибда бажаринг:

1. Тизимли муаммони аниқланг (тизимга оид қайси муаммо ўрганиляпти?).
2. Тахлил объектини аниқланг (қанақа тизим ўрганиляпти?).
3. Тахлил предметини аниқланг (тизимдаги қанақа жараён ўрганиляпти?).

4. Таҳлил усулини аниқланг (тизимли таҳлилнинг қайси усули қўлланяпти?).
5. Масала шартлари асосида тегишли белгилар киритган ҳолда қарор қабул қилувчи шахснинг альтернативалари ва ташқи муҳит ҳолатларини аниқланг.
6. Ташқи муҳит эҳтимолликларини тегишли белгилар киритган ҳолда ҳисоблаб чиқинг.
7. Ютуқлар жадвали (матрицаси) ни тузинг.
16. Масалани таваккал шароитида қарорлар қабул қилиш қоидалари ёрдамида ечинг.
8. Таваккал шароити деганда нимани тушунасиз? Ноаниқлик шароитидан унинг фарқи қанақа?
9. Байес қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
10. Байес-Сэвидж қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
11. Энг катта эҳтимоллик қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
12. Стандарт четлашишни минималлаштириш қоидаси: моҳиятини ёритинг, масалага қўлланг, оптимал альтернатива танланг ва хулоса чиқаринг.
13. Барча қоидалар асосида жамланма жадвал тузинг ва таҳлил қилинг.
14. Олинган натижалар асосида тегишли қарор қабул қилинг.
15. Тизимдаги муаммони ечиш бўйича хулоса қилинг.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
ТИЗИМ (<i>system</i>)	элементлардан ташкил топган объект ёки объектлар комплекси	object or set of objects consist of elements
ҚИСМ ТИЗИМ (<i>subsystem</i>)	тизим элементлари ўз навбатида элементлардан ташкил топган бўлса, бундай тизим элементлари қуйи тизим дейилади	If you include elements of the system components, the elements of such a system is called a subsystem
мураккаб тизим (<i>complex system</i>)	бир бири билан боғлиқ ва ташкилий тузилишга эга бўлган элементлардан ташкил топган ва мақсадга йўналтирилган объект ёки объектлар комплекси	an organizational structure that is associated with one of the elements of the target object or objects
ижтимоий тизим (<i>social system</i>)	Бир бутун деб қаралган шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар	the patterned series of interrelationships existing between individuals, groups, and institutions and forming a whole
тизим ҳолати (<i>position system</i>)	тизимнинг маълум бир вақтдаги кўриниши бўлиб, бу ҳолда унинг барча элементлари статик кириш ва чиқиш параметрларига эга бўлади	appearance of the system at a given time, in this case, all elements of the input and output parameters can be statics
тизимли муаммо (<i>systemic problem</i>)	тизимнинг жорий ҳолати билан исталган (намунавий) ҳолати ўртасидаги фарқ	The difference between the current and desired state of the system

<p>тизимли таҳлил (<i>system analysis</i>)</p>	<p>фанлараро таълим соҳаси бўлиб, у ўрганиш объектига қаратилган тизимли муаммони аниқлаш, ва шу билан бирга объектларни тизим орқали ифодалаш билан уларга тизимли ечим бериш, уларни моделлаштириш, алтернатив ечимларни таклиф қилиш ва оптимал ечимни танлаш</p>	<p>interdisciplinary formation, it is the object of study of systemic problems, and at the same time the objects represented in the system to give them a system solution, modeling, alternative solutions and select the optimum solution</p>
<p>илмий методлар (<i>research methods</i>)</p>	<p>Тадқиқот жараёни янги билимларни олиш ва мавзу ёки масалани чуқурлаштиришдан иборат. Бу жараён учта асосий шаклларда олибборилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Илмий-тадқиқот назарияси – савол ва муаммоларни аниқлаш учун ёрдам беради. • Конструктив тадқиқот назарияси – муаммо ёки масалаларга ечимлар таклиф этиш. • Эмпирик тадқиқот – ечимнинг мақсадга мувофиқлигини эмпирик маълумотлар ёрдамида текширади 	<p>the goal of the research process is to produce new knowledge or deepen understanding of a topic or issue. This process takes three main forms:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Exploratory research, which helps to identify and define a problem or question. • Constructive research, which tests theories and proposes solutions to a problem or question. • Empirical research, which tests the feasibility of a solution using empirical evidence.
<p>эмпирик методлар (<i>empirical methods</i>)</p>	<p>ечимнинг мақсадга мувофиқлигини эмпирик маълумотлар ёрдамида текширади.</p>	<p>tests the feasibility of a solution using empirical evidence</p>

анализ (<i>analysis</i>)	мураккаб масалани яхшироқ тушуниш учун уни кичик қисимларга ажратиш	the process of breaking a complex topic or substance into smaller parts in order to gain a better understanding of it
дедукция (<i>deduction</i>)	умумий хулосадан хусусий хулосалар олиш	deductive reasoning, inference in which the conclusion is of no greater generality than the premises
индукция (<i>induction</i>)	хусусий хулосалардан умумий хулоса олиш	private general conclusions
Дельфи методи (<i>Delphi method</i>)	икки ёки ундан ортиқ экспертларнинг муаммони ечиш ҳақидаги фикрларининг ўратачаси	mean a decision on a solution of two or more experts
SWOT-таҳлил (<i>SWOT-analysis</i>)	тизимни таҳлил қилиш шаклига асосан тўрт босқичда, яъни кучли (strengths), кучсиз (weaknesses) томонлари ҳамда унинг имкониятлари (opportunities) ва тўсиқлари (threats) кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш	In accordance with the form of system analysis in four stages, which is a strong (strong side), weaknesses, opportunities and barriers review and analysis
ТИЗИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ (<i>elements of the system</i>)	ТИЗИМНИНГ таркибий қисмлари	system components

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар:

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // kun.uz. 2018.12.28.

17. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Халқ сўзи” online газетаси, 2018 йил 8 декабрь.

18. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

19. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775-сон қарори / Lex.uz.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони / Lex.uz.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон қарори / Lex.uz.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони / Lex.uz.

Махсус адабиётлар:

24. Systems analysis and design / Alan Dennis, Barbara Haley Wixom, Roberta M. Roth. – 5 th ed., Printed in the United States of America, 2012.

25. Complete systems analysis: the workbook, the textbook, the answers / by James Robertson, Suzanne Robertson. Published by Dorset House Publishing Co., Inc., New York, 1998. Digital release by Pearson Education, Inc., June, 2013.

26. Sharon Hanson, Legal Method and Reasoning, Second edition, London, Sydney, 2003.

27. Лекции по методологии научного исследования в сфере права: Учебное пособие для студентов магистратуры юридического профиля. Третье, стереотипное изд. / сост. А.З.Каримов. – Т.: «ЗИЁ», 2010.

28. Ахборот тизимлари. Юриспруденцияда ахборот тизимлари. Дарслик / Каримов А.З. Электрон вариант. Т.: ТДЮУ, 2016

29. Основы системного анализа: Учебное пособие / Спицнадель В. Н., – СПб.: «Изд. дом «Бизнес-пресса», 2000.

30. Ҳуқуқий соҳада тизимли таҳлил. Ўқув қўлланма. / Исмоилов Б.Т., Каримов А.З., Маннопова Э.Т., Юнусова М.С., Худайназаров А.Қ. Т.: ТДЮИ, 2016.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.minjust.uz>
4. <http://www.legislature.uk>
5. <http://www.law.uk.edu>
6. <http://www.juristlib.uk>